O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOBXONLIGI
INV №

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 110 (9.454) 2000 йил 15 сентябрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда

«Жаҳон динлари тинчлик маданияти йўлида» халқаро анжумани иштирокчиларига

Муҳтарам меҳмонлар!

Қадрли дўстлар!

Сизларни турли дин ва миллатга мансуб инсонлар тинч-тотув ҳаёт кечираётган, маънавий юксаклик ва диний бағрикенглик қадимдан қарор топган гўзал ва бетакрор Ўзбекистон заминида муборакбод этишдан ғоят мамнунман.

Дин инсон руҳини поклаши, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлаши, миллий қадрият ва анъаналарни асрашга хизмат қилиши билан ҳар қандай жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади.

Айниқса, инсоният мураккаб тараққиёт жараёнини бошидан кечираётган ҳозирги даврда диннинг турли халқлар ўртасида мулоқот ўрнатиш, уларни маънавий ва руҳий жиҳатдан яқинлаштириш, зулм ва зўравонликка қарши биргаликда курашга даъват этиш борасидаги аҳамияти беқиёсдир.

Бизнинг мамлакатимиз азал-азалдан қадимий динлар ривож топган макон сифатида дунё цивилизацияси тарихида алоҳида мавқега эга.

Бу муборак заминда бизнинг аждодларимиз бошқа дин вакилларига доимо ҳурмат билан қарагани, мана шу юрт озодлиги йўлида улар билан бирга кураш олиб боргани, елкадош бўлиб меҳнат қилганини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Кўп миллатли Ватанимизда бугунги кунда ислом дини вакиллари билан бир қаторда ўн еттита диний конфессия вакиллари ёнма-ён яшаб, ҳамкорлик қилиб келаётгани барча динларнинг моҳияти эзгулик ва яхшиликка хизмат қилишдан иборатдир, деган кўҳна ҳақиқатнинг яна бир тасдиғидир.

Ўзбекистон турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасидаги қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

1995 йилда «Бир осмон остида» шиори билан ўтказилган мусулмон ва христиан динлари вакиллари ўртасидаги мулоқот, рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси ташкил этилганининг 125 йиллик юбилейи, Ўзбекистон евангель-лютеран жамоаси ташкил этилганининг 100 йиллигига бағишланган тадбирлар бу борадаги хайрли ишларнинг ёрқин намунасидир.

Азиз дўстлар!

Бугунги кунда одамларнинг динга бўлган самимий ихлос-эътиқодидан ўзининг ғаразли ниятларини амалга ошириш йўлида фойдаланмоқчи бўлаётган қора кучлар кўплаб халқлар бошига кулфатлар ёғдирмоқда. Бу барчамизни, энг аввало, сизларни, динни одамлар бахт-саодати ва ёруғ келажак учун хизмат қилдиришни ҳаётининг маъно-мазмуни деб билган инсонларни ташвишга солади, албатта.

Ишончим комилки, дунё жамоатчилиги, сиздек фидойи инсонлар асрлар мобайнида тинчлик, биродарлик ва ўзаро тотувликка хизмат қилиб келган динларнинг ёвуз террорчи ва экстремистик кучлар қўлида қуролга айланиб қолишига асло йўл қўймайди.

Дунёдаги энг улуғ ва энг азиз неъмат бўлган тинчликни асраш, бутун башариятни дўстлик ва биродарликда яшашга даъват этиш, одамларни олий мақсадлар сари бошлаш сизларнинг фаолиятингизда ҳам асосий ўрин тутиб келаётгани, миллати, тили ва динидан қатъи назар, жаҳондаги ҳар бир инсонда чуқур ҳурмат туйғусини уйғотади.

Ушбу халқаро анжуманнинг тинчлик шиори остида, осойишталик, дўстлик ва биродарликни энг олий қадрият сифатида эъзозлаб келаётган ўзбек диёрида, ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтаётгани ҳам сизларнинг бугунги фаолиятингизга берилаётган ўзига хос юксак баҳо, десам муболаға бўлмайди.

Шу билан бирга жаҳондаги кўплаб нуфузли ташкилотлар вакиллари, таниқли дин ва маданият намояндалари иштирокида иш бошлаётган бу анжуман тараққийпарвар дунё жамоатчилигининг турли динлар ўртасидаги эзгу интилишларни барча халқларнинг муштарак мақсади бўлган тинчлик, биродарлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш масалаларига қаратаётганидан далолат беради.

Мана шундай олижаноб ишда барчангизга соғлик-саломатлик, ғайрат-шижоат, анжуман ишига муваффақият тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Туркманистонга расмий ташрифи тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Туркманистон Президенти С. Ниёзов таклифига биноан шу йил 21-22 сентябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чоғида икки томонлама муносабатлар, минтақавий хавфсизликка оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор давлатлараро ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

(ЎзА).

Президент Кубоги

КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

«Юнусобод» теннис кортларида кўп сонли ишқибозларнинг қизғин қўллаб-қувватлаши остида Президент Кубоги баҳслари жуда қизиқарли ва кутилмаган, шов-шувли натижаларга бой ҳолда ўтмоқда.

Тошкентлик теннис ишқибозлари Америка очиқ чемпионатида ғолиб чиққан россиялик теннис юлдузи Марат Сафинни сешанба куни кечқурун хурсандчилик билан кутиб олишди. Эртаси куни Марат қурра бўйича ўзининг дастлабки рақиби бўлмиш ҳамшаҳримиз Олег Огородов билан 1/16 финалда беллашиш мақсадида кортга тушди. Ушбу ўйинда жаҳон таснифида иккинчи ўринни эгаллаб турган Сафиндек кучли спортчи билан беллашаётганига қарамасдан Олег ўзининг энг яхши хислатларини намоён қила олди. Биринчи сет жуда кескин кечиб, Сафин катта қийинчилик билан 3/2, 4/3, 5/4 ҳисобида олдинда борди ва сетни 6/4 ҳисобида ўз фойдасига якунлади.

Иккинчи сет ҳам муросасиз кечди. 3/3, 4/4 ҳисобидан сўнг омад яна Сафинга кулиб боқди — 6/4.

Турнирдаги Пьолиннинг мағлубиятидан кейин яна бир шов-шувли натижа шундан иборат бўлдики, ўз пайтида жаҳоннинг тўртинчи ракеткаси бўлган, ҳозирги кунда энг кучли тўп оширувчи теннисчи сифатида ном қозонган Грег Руседс-

ки (Буюк Британия) тасниф бўйича ўзидан деярли юз поғона паст бўлган россиялик Андрей Столяровга 6/7 (6), 6/3, 7/5 ҳисобида ютқазиб қўйди.

КЕЧА

Президент Кубоги мусобақаларидаги энг шов-шувли натижа қайд этилди. Жаҳоннинг саккизинчи ракеткаси россиялик Евгений Кафельников Италиянинг учинчи кучли теннисчиси бўлмиш Давид Сангвинеттига 7/5, 6/3 ҳисобида ўйинни бой берди. Кафельниковдай машҳур ўйинчининг ҳатто чорак финалга ҳам чиқа олмаганлигини жаҳон оммавий ахборот воситалари турнирнинг энг кутилмаган натижаси сифатида баҳоламоқдалар.

Ушбу ўйин тугагач, кортга ҳозирда Россиянинг энг кучли теннисчиси, жаҳон таснифида иккинчи ўринни эгаллаб турган Марат Сафин тушди. Унинг рақиби 21 ёшли Мишель Краточвил (Швейцария) ҳали теннис оламида йирик чўққиларни забт этмаган бўлсада ўйин кутилмаганда жуда кескин тус олди. Кутилганидек, 3/1 ҳисобида олдинда бораётган Сафин тўсатдан ташаббусни қўлдан бой берган ҳолда биринчи сетда 6/4 ҳисобида мағлубиятга учради. Кўринишидан турнирда яна бир кутилмаган натижа «туғилаётгандек» эди. Иккинчи сетдаги дастлабки геймни ҳам Краточвил ўз фойдасига ҳал қилгач, Сафин ўйинда кескин бурилиш ясади. Соатига 198, 201, 202, 203, 206, 210 километр тезликдаги тўп оширишларининг кўпчилигини эйслар билан якунлаган Сафин иккинчи сетда 6/1, учинчи сетда эса 6/3 ҳисобида устун келган ҳолда чорак финалга чиқди. Шунингдек, Х. Леви (Исроил)ни 6/4, 6/3 ҳисобида енгган Ж. Гимелстоб (АҚШ), Ж. Эрлих (Исроил) устидан 6/4, 6/4 ҳисобида ғалаба қозонган Ж. Буттер (Франция), М. Южний (Россия)ни 6/4, 6/0 ҳисобида доғда қолдирган Ж. Голмерд (Франция), ўз рақибларидан устун келган Ж. Бастл (Швейцария), Ж. Делгадо (Буюк Британия)лар ҳам шундай ҳуқуқни қўлга киритишди.

БУГУН

эрталаб ҳаваскор ва профессионаллар ўртасида мусобақа бўлиб ўтди. Тушдан кейин эса якка тартибда чорак финал учрашувлари ўтказилади. Унда иккитадан Россия ва Франция теннисчилари иштирок этади.

Якшанба куни жуфтликлар ва якка тартибдаги спортчилар ўртасида ғолиблар аниқланиб, турнир ўз ниҳоясига етади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

СУРАТЛАРДА: Президент Кубоги мусобақаларидан лавҳалар.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИГА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИДАН ДИЛ ИЗҲОРИ БИТИЛГАН САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР КЕЛИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуурани қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Беҳзод Йўлдошев Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Президенти этиб тасдиқланди.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Иордания Ҳошимийлар подшоҳлиги шаҳзодаси Ҳасан бин Талол Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон билан Иордания ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш имкониятлари хусусида фикрлашиб олинди.

● Республика газеталарида Ўзбекистон Республикасининг «Жалолиддин Мангуберди орденини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонуни, Жалолиддин Мангуберди ордени тўғрисидаги низом ва Жалолиддин Мангуберди орденининг тавсифи эълон қилинди.

● Самарқандда оилада аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биносида бўлиб ўтган республикамизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялар ва қатор жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокидаги йиғилишда Ўзбекистондаги қатор ижтимоий-сиёсий кучларнинг «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остидаги Қўшма баёноти қабул қилинди ва уларнинг мазкур йўналишдаги ҳамкорлигининг амалий ҳаракатлари дастури ишлаб чиқилди.

● Бухоро вилоятида бу йилги пахта ҳосилини тез ва нобуд қилмасдан йиғиб-териб олишга бағишланган кенгаш ўтказилди.

● Гулистонда шаҳар марказий касалхонаси таъмирлаш ишларидан кейин фойдаланишга топширилди.

● Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида очилган кўргазмада 40 дан зиёд корейс ва ўзбек рангтасвир усталарининг асарлари намойиш этилди.

● Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида тантанали ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Москвада Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан Бутунхитой халқ вакиллари мажлисининг раиси Ли Пэн ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

● **Бугун** Украина Президенти Л.Кучма Парижда Украина ва Европа Иттифоқи саммитида қатнашади.

● Грузия маъмурлари мавжуд бўлган қарзлари боис Россия ҳарбий самолётларининг ўз ҳудудларидан учиб ўтишини тақиқладилар.

● Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) жаҳон бозорига чиқариладиган кунлик нефть миқдорини 800 минг баррелга оширишга қарор қилди. ОПЕКнинг ушбу қарори 1 октябрдан бошлаб кучга киради.

● **Кеча** Ереванда ўз ишини якунлаган Арманистон парламенти ва Европа Иттифоқининг қўшма сессиясида жумладан Арманистон АЭСини ёпиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

● Чеченистонда республика маъмуриятининг раҳбари А. Қодиров билан унинг биринчи ўринбосари Б. Гантемиров ўртасидаги келишмовчилик кучайиб бормоқда.

● **Кеча** Нью-Йоркда Фаластин — Исроил тинчлик музокаралари яна тикланди.

● БМТнинг қочоқлар иши бўйича ҳарбий комиссари С. Агата Афғонистондан ўтган қочоқларнинг муаммоларини ҳал қилиш учун Покистонга келди.

● Экваторда ушбу давлат иқтисодий ҳаётида катта ўзгариш рўй берди. Миллий валюта — сукре муомаладан чиқарилиб, унинг ўрнини АҚШ доллари эгаллади. Маълумки, мамлакатда долларлаштириш жараёни жорий йилнинг январь ойида бошланган эди.

● Қозоғистон асосан врачлар, алоқачилар, техниклардан иборат кишиларни армияга қўшимча равишда чақиришини эълон қилди.

● Индонезия пойтахти Жакартадаги биржа биноси яқинидаги икки марталик портлаш оқибатида камида 13 киши ҳалок бўлди, 50 га яқин киши жароҳатланди. Айрим кузатувчилар ушбу портлашларни кеча бу ерда мамлакатнинг собиқ президенти Сухарто устидан бошланган суд билан боғламоқдалар.

● Санкт-Петербургда транспорт бўйича иккинчи Евроосиё конференцияси бўлиб ўтмоқда.

● Москвадаги озиқ-овқат магазинларидан бирига номаълум шахс кўчадан югуриб кириб бу ердаги харидорлардан бирига қарата ўқ узди, сўнг гранатани портлатиб юборди. Ундан жароҳат олган киши ҳаётдан кўз юмди, бир қанча киши жароҳат олди.

● Гвинея полицияси Либерия ва Сьерра-Леонедан келган минглаб қочқинларни ҳибсга олди. Айни пайтда Гвинеяда 300 мингдан зиёд Сьерра-Леонелик, 100 минг нафар либериялик қочқин бор.

● Испаниянинг Сарагоса вилоятида 300 га яқин автомобиль ёниб кетди. Бу воқеа Куарте-де-Уэрва шаҳридаги пуллик автомобиль тўхташ жойида юз берди.

● Нью-Йоркда БМТ ташаббуси билан Кипр масаласи бўйича бавосита музокаралар ўтказилди.

● Перудаги инкларнинг қадимий Мачу-Пикчу шаҳар-қалъасидаги энг машҳур ёдгорлик — қуёш соати шу ерда пиво рекламасини суратга тушираётган тасвирчиларнинг эҳтиётсизликлари туфайли зарар кўрди. Унинг устига кран йиқилиб кетган ва қурилманинг 8 сантиметр узунликдаги бўлаги учиб тушган.

● Малайзиянинг Даданан оролида уч нафар саёҳатчи қуролланган гуруҳ томонидан гаровга олинди. Улар қайиққа ўтказилиб, олиб кетилган ва яширилган.

ДИН — ЭЗГУЛИК МАНБАИ

Тошкентда ЮНЕСКО раҳнамолигида «Жаҳон динлари тинчлик маданияти йўлида» мавзуида динлараро мулоқот халқаро анжумани бошланди. Унда Эрон, Исроил, АҚШ, Франция, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Ватикан каби ўттизга яқин мамлакат, шунингдек, халқаро диний муассасалар вакиллари қатнашаяпти.

Истиқлол байрамининг шукуҳи босилмасидан мамлакатимизда халқаро миқёсдаги тадбирлар бошланиб кетди. «Юнусобод» спорт мажмуида Президент кубоги учун халқаро теннис мусобақалари ўтаётган бир пайтда мазкур анжуман Ўзбекистон ҳаётига яна муҳим воқеа бўлиб қўшилди. Турли динлар уламолари юртимизда тўпланиб, дунёда тинчликни мустаҳкамлаш, ҳар хил диний ва этник адоватларга барҳам бериш, одамлар орасида эзгулик, дўстлик ва биродарлик, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини кучайтириш каби масалалар борасида фикр алмашмоқда.

Тадбирни ўтказиш учун айнан Ўзбекистон танлангани бежиз эмас. Зеро, бу ўлкадан дунёга донғи кетган не-не алломалар, Ислом оламида ҳурмат ила тилга олинадиган муборак зотлар етишиб чиққан. Шунингдек, тарихимизда Ислом динидан аввалги зардуштийлик ва буддизм билан боғлиқ саҳифалар ҳам кам эмас. Қолаверса, Ўзбекистонда дин ва виждон эркинлиги мустаҳкам қарор топганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳозирги кунда юртимизда мусулмонлардан ташқари, яна йигирмага яқин катта-кичик динга эътиқод қилувчи фуқаролар тинч-осойишта турмуш кечириб келаётир. Бундан ташқари халқаро майдонда Ўзбекистоннинг мавқеи тобора ошиб бораётгани, Марказий Осиё минтақасида тинчликни асраш, диний экстремизм ва террорчиликка қарши кураш йўлида дадил ҳаракат қилаётгани барчага маълум.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия раиси Ҳ. Кароматов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг анжуман қатнашчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси З. Хуснидинов ўқиб эшиттирди.

Анжуманда ЮНЕСКО Бош директори К. Мацуура нутқ сўзлади.

Инсон қадим-қадимдан Худога топиниб келади. Зеро, диний эътиқод кишини поклик, руҳий баркамоллик сари етаклайди. Бироқ, тарихда одамлар ўртасида эътиқод борасида тортишувлар кўп бўлган. Эътиқод боис қон тўкилган, зўравонлик қилинган. Турли диндаги кишиларнинг бир-бири билан тил топишиши ҳар доим ҳам осон кечмаган.

Дин — эзгулик манбаи. Ундан сиёсий мақсадлар йўлида фойдаланиш гумроҳликдан бошқа нарса эмас. Афсуски дунёнинг турли бурчакларида ҳар хил қўпорувчилик ва зўравонликларни амалга ошираётганлар кўпинча ўзларига динни ниқоб қилиб олаётир. Бу турли диндаги халқлар ўртасида адоватни қўзғаяпти. Шу боис, тинч-тотув ҳаётга раҳна солаётган, барқарорликка путур етказаётган кучларга қарши биргаликда курашмоқ лозим. Аввало одамларга эзгулик улашиш йўли билан. Дин зулматни ёритувчи зиё каби одамларни ёвузликдан қайтарувчи кучга айланмоғи керак. Ислом ва насронийлик ҳам, мусовийлик, буддизм ва бошқа динлар ҳам бир мақсадга — эзгуликка хизмат қилади. Мақсад эзгулик экан, динлараро мулоқотни кучайтирмоқ, ўзаро ришталарни мустаҳкамламоқ, жаҳолатга қарши бирга курашмоқ керак.

Динлараро мулоқот халқаро анжумани доирасида учта сессия бўлиб ўтади. Улар «Динлар ва диний урф-одатлар ўртасидаги ҳамкорлик», «Таълим тизимида динлараро ва маданиятлараро мулоқот» ва «Марказий Осиёда динлараро мулоқот» мавзуларига бағишланган.

Анжуман қатнашчилари 17-18 сентябрь кунлари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилади. Мазкур ташриф доирасида Бухорода «Суфийлик ва динлараро мулоқот» мавзуида ЮНЕСКО халқаро симпозиуми ўтказилиши кўзда тутилган.

F. САЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

ОЛИМПИЯ МАШЪАЛАСИ ЁҚИЛАДИ

БУГУН

Бутун жаҳон мамлакатларидаги барча мухлислар узоқ вақтдан бери орзиқиб кутган кун. Австралиянинг Сидней шаҳрида XXVII ёзги олимпиада ўйинлари бошланади. Албатта, асримизнинг охирги олимпия ўйинлари ҳар доимгидек улкан спорт байрамига айланиши табиий. Бу гал жами 219 та мамлакатдан ташриф буюрган 11 мингта яқин энг кучли спортчилар ғалаба учун кураш олиб борадилар. Шуни айтиш керакки, барча спорт турлари бўйича мусобақалар, ҳатто жаҳон чемпионатларининг ғолиблари ҳам вақт ўтиши билан собиқ чемпион дея атала бошласа-да, фақат олимпия чемпиони унвонигина абадий ҳисобланади. Бинобарин, олимпия чемпионлиги ҳар бир спортчи бир умр эришишни орзу қиладиган спорт оламидаги энг юқори чўққидир.

Мамлакатимизда спорт турларини ривожлантиришга қаратилаётган катта эътиборнинг натижаси ўлароқ Сидней олимпиадасига Ватанимиз спортчилари пухта тайёргарлик кўришди. Жаҳон ва қитъа чемпионатлари, «А» тоифасидаги «Гран При» саралаш мусобақаларида ўзларининг энг яхши хислатларини намоён қилган 13 спорт тури бўйича 77 нафар спортчимиз ҳам Сиднейда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун кураш олиб борадилар. Бизнинг айниқса бокс, эркин ва юнон-рум кураши, енгил атлетика, дзю до усталаримиздан кўнглимиз тўқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш ва мамлакат спортчиларини Сидней шаҳри (Австралия)даги XXVII олимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Фармон спортчиларимизни олимпия майдонларида ғалабалар сари янада руҳлантирмоқда.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Террорчилар батамом йўқ қилинди

Хабар қилинганидек, шу йилнинг 28 августида Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва чегара қўшинлари томонидан республикамизга суқилиб кирган 15 нафар террорчидан иборат жангарилар гуруҳининг 8 аъзоси йўқ қилинган эди. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси матбуот хизматининг хабар беришича, 2000 йилнинг 11 сентябрида эрталаб тахминан соат 8.30 да Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилоятининг Чоткол туманидаги Оқтош қўрғони ёнида Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари Ички ишлар вазирликлари ва чегара қўшинларининг биргаликдаги ҳаракатлари натижасида жангарилар гуруҳининг қолган 7 нафар аъзоси қидириб топилди ва соат 13.00 гача батамом йўқ қилинди.

(ЎзА).

Бугун Тошкент мисли кўрилмаган даражада ўзгариб кетди. У Истиклол шарофати ила гўзаллашиб, янада юксак салобат касб этди, обод ва кўркам бўлиб қолди. Кўплаб маъмурий ва уй-жой бинолари бунёд этилди, янги шох кўчалар пайдо бўлди.

Шу йили Мустақиллик байрами арафасида аҳолининг манзилини яқин қилиш мақсадида ўзининг қурилиш услуби, технологияси ва мустаҳкамлиги билан Марказий Осиёда мисли йўқ икки йўналишда бир йўла уч қатордан машиналар ҳаракатланадиган Аҳмад Дониш кўчасини шаҳар маркази билан боғловчи узунлиги бир километрлик кўприк ҳам тезкорлик билан 8 ойда фойдаланишга топширилди. «Отчопар» бозори яқинида қурилаётган кўприк ишга туширилиш арафасида.

БАҲОНАЛАР ГИРДОБИДА

ёки 1-Тошкент уй-жой қурилиши комбинатидаги лоқайдлик ва масъулиятсизлик хусусида

Бугун пойтахт шаҳримиз кенг қурилишлар майдонига қиёсланаётгани ҳам бежиз эмас. Бу ерда сўнгги йилларда бунёдкорлик ишлари шу қадар жадал суръатларда олиб бориляптики, бу беқиёс ўзгаришлару янгиланишларга тан бермай иложинг йўқ. Бугун шаҳар кўчаларини кезиб чарчамайсиз. Кенг ва равон йўллар сизга тетиклик, бардамлик, кучқувват бағишлайди. Турнақатор осмонўпар бинолар, муҳташам саройлар, бири-биридан гўзал спорт мажмуаларини кўриб, беихтиёр уларнинг раҳнамолари, ижодкору бунёдкорлари ҳиммати ва меҳнатига тасаннолар айтгингиз келади.

Бугун хоҳлаган чет эллик ёки шаҳримизга ташриф буюрган меҳмондан сўранг, уларнинг барчаси ҳозирги Тошкентнинг ҳусни- жамолига, унинг замонавий муҳташам кўринишидан ақли шошиб-тошиб қолганидан сўз очади. Зеро, беминнат, беқиёс меҳнатга чинакам баҳони ўзгалар беради.

Агар рақамлар тили билан айтадиган бўлсак Истиқлол йилларида барча молиявий манбалар ҳисобига пойтахтда 33,3 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Тошкент бинокорлари томонидан умумий ҳажми 336,7 минг квадрат метр уй-жой, жумладан «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг 68,9 минг квадрат метрли сертификат уй-жойи фойдаланишга топширилди.

Пойтахтнинг Эски шаҳар қисмидаги мислсиз бунёдкорлик ишлари, Юнусобод, Чилонзор, Ҳамза, Собир Раҳимов, Сергели туманларидаги қурилишлар шак-шубҳасиз Мустақиллик бахш этган буюк неъматлардандир. Холисона айтганда 70 йилдан ортиқроқ шўролар ҳукмронлигини кўрган қадимий Тошкентимиз фақат истиқлол йилларидагина **Юртбошимизнинг ташаббус ва кўрсатмалари** билан ривожланиш ва тараққиётга эришиб, Шарқнинг чинакам машъалига айланди.

Шундай улкан ишлар амалга оширилаётган бир пайтда баъзи қурилиш ташкилотларидаги рўй бераётган ўзбошимчалик, сансалорлик, режадан орқада қолиш ҳолатлари ғашга тегмай қолмайди. Бунга бир қатор мисолларни келтириш мумкин. Айниқса 1-Тошкент уй-жой қурилиш комбинатида рўй бераётган бугунги ҳолат билан мутлақо муроса қилиб бўлмайди. Шу ўринда ўз-ўзидан: «Хўш, нима учун яқин йилларгача пешқадамлар сафидан ўрин олиб келган бу қурилиш ташкилоти сўнгги ойларда тобора қолоқликка юз тутиб бормоқда? Нега буюртмалар ўз вақтида бажарилмай қолаяпти?» деган саволлар пайдо бўлади. Ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида бир нечта мутасадди идораларда бўлишимизга тўғри келди.

Муқаддимани «Ўзуйжойжамғармабанк»дан бошладик. Чунки бу ташкилот фақат қулай ва шинам уй-жойларни сотиб олиш ҳуқуқини берувчи шахсий номи ёзилган турар-жой облигацияларини чиқарибгина қолмай, қурилиш майдонларига ишлаш учун лойиҳачилар, бинокорлар, ташкилотларини жалб этиш билан, энг муҳими буюртмачилар портфелини шакллантириш билан бевосита шуғулланади. Шундай экан уй-жой олиш учун ушбу банк ҳисобидан навбатда турганлар биринчи галда ўз шикоятлари билан мана шу ташкилот раҳбарларига мурожаат қилишади.

— Чиндан ҳам ҳозир бундай шикоят, сўров ва қистовлар сони анча кўпайиб қолди. Чунки баъзи бир қурилиш ташкилотлари буюртмаларимизни ўз муддатида бажариб беролмаяпти. Бундай ҳол кўпроқ 1-Тошкент уй-жой қурилиши комбинатига тааллуқлидир, — деди «Ўзуйжойжамғармабанк» бошқаруви раисининг ўринбосари Нодир Носиров.

— Ўзбек халқи болажон халқ. У серфарзанд бўлади, — деб ёзади тошкентлик Наргиза Очилова. — Йиллар ўтиб кечагина бир-бири билан қувлашмачоқ ўйнаб юрган болажонлар ва қизалоқлар улғайиб турмуш қурадиган йигит ва қизлар бўлиб қолганини ҳам пайқамай қоласан. Биз ҳам серфарзанд оиламиз. Шахсан Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан шаҳримизда «Ўзуйжойжамғармабанк» ташкил этилганлигини эшитиб унга яхши ниятда уй олиш навбатида ёзилган эдик. Ўшанда бизга Афросиёб кўчасида 1-сонли Тошкент уй-жой қурилиши комбинати бунёдкорлари томонидан 9 қаватли уй қурилаётгани, мана шу уйдан бизга квартира берилишини айтишди. Кўрсатилган муддат бўйича қурилиш шу йилнинг апрель ойида тугалланиши керак эди. Афсуски орадан 5 ой муддат ўтган бўлсада ушбу бино ҳамон учинчи қаватидан юқорига кўтарилмаяпти. Қурилиш муддати нега кечикяпти деб сўрасак, бизга турли баҳоналарни рўкач қилишади. Билмадик, орзу-истагимиз йил охиригача амалга ошармикан йўқми?

Бошқа шикоятларнинг асосий мазмуни ҳам деярли юқоридагига ўхшаш.

Энди мана бу шикоятга эътибор беринг.

— Мухбир кўчасидаги 2-уйни бунёдкорлар 5 ой кечикиб фойдаланишга топширишган эди, — деб ёзади шу уйнинг 18-хонадонида истиқомат қилувчи Нодира Аҳмедова. — Янги уйга кўчиб ўтганимиздан қувончимиз чексиз эди. Афсуски у узоққа чўзилмади. Бизга топширилган хонадонга жойлашиб олгач, ундаги камчиликлар бирин-кетин кўзга ташлана бошлади. Иккита хонамизга ёзилган линолеум хўжакўрсинга ёпиштирилган шекилли, бир ювишдаёқ унинг елимлари кўчиб йиғилиб кетди. Баъзи хоналарда электрни ёқиб-ўчирадиган қурилмалар йўқ. Оқланган уйнинг шифтида бир қатор қора гардишлар кўзга ташланади. Наҳотки сертификатли уйни бунёд этган юқоридаги комбинат қурувчилари шу қадар камчиликларга йўл қўйишган бўлса. Уй кечикиб топширилса-ю яна унинг устига нуқсонлар беҳисоб бўлса бу ҳолатни кечириб бўладими ахир.

Шундай мазмундаги арзномани шу уйнинг 3-хонадонида истиқомат қилувчи Жамила Очиловадан ҳам эшитиш мумкин.

Яна кўпчилик (рўйхатни давом эттириш мумкин)Тошкент уй-жой комбинати бунёдкорлари томонидан Қатортол даҳасида қад кўтараётган 1-, 2-уйлар режа бўйича июнь ойида фойдаланишга топширилиши керак эди. Лекин **ўзбекнинг истиҳолали эканлиги боис бундай шикоятларни айтишни ҳар доим ҳам ўзига эп кўравермайди. Бундан кўпчилик раҳбарлар фойдаланиб, хотиржамлик кайфиятига берилишади.** «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг фаолияти билан яқиндан танишганимизда бу гаплар уларнинг буюртмасини бажарувчи қурилиш ташкилоти мутасаддиларига нақадар тааллуқли эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Маълумки, «Ўзуйжойжамғармабанк» аҳолига уй-жой сотиб олишга қулай имкониятларни яратиш ҳамда унинг қўлидаги эркин маблағларни шу мақсадга кенг жалб этишни кўзлаган. Дастлаб тажриба сифатида жорий этилган банк фаолияти кейинчалик бутун мамлакатга ёйилди. Банк иш бошлагандан бери жами 7750, шу жумладан Тошкент шаҳри бўйича 6800 та маблағ тўплаб борувчи ҳисоб рақамлари очилди. Бу ҳисоб рақамларига тушган маблағларнинг умумий ҳажми 4 миллиард 600 миллион сўмни ташкил этган бўлса, шундан 4 миллиард 300 миллион сўми пойтахтликларга тегишлидир. Маълумки жисмоний шахслар томонидан турар жой сертификатлари асосида сотиб олинадиган уйлар баҳосининг 50 фоизи давлат маблағлари ҳисобидан қопланади. Банк ишга тушгандан буён тошкентликларга берилган кредитлар умумий ҳажми 4 миллиард 500 миллион сўмни ташкил этди. Шу тариқа нисбатан қисқа муддат ичида умуман республика бўйича 4350 жисмоний ва юридик шахслар янги шинам уй-жойларига кўчиб ўтишди. Тошкентнинг ўзида 3784 оила ҳовли тўйларини нишонлади.



Мазкур йил учун фақат Тошкент шаҳри бўйича режалаштирилган уй-жой қурилиши ҳажми 6 миллиард 430 миллион сўм қилиб белгиланган. Пойтахтликлар учун умумий сатҳи 136 минг 360 квадрат метрга тенг бўлган 1042 та уй-жой фойдаланишга топширилиши керак.

Бироқ, ҳамма гап шу режаларнинг бажарилишида. Зеро, 8 ойлик иш якунлари белгиланган муддатлардан орқада қолаётганлигини кўрсатаётир. «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг махсус ҳисобига аҳоли ва ташкилотлар томонидан тушган маблағлар ўз вақтида мажмуи қурилиш ишларини бажариш учун пудратчи ташкилотларга ўтказилиб турибди. Лекин рақамларнинг гувоҳлик беришича бажарилган ишлар ҳажми анча кам. Лойиҳа ишлари учун ҳам, зарур қурилиш ашёларини сотиб олиш учун ҳам ва ниҳоят иш ҳақини тўлаб бориш учун ҳам маблағлар етарли.

— Турар жой сертификатлари бўйича уй-жой қурилиши билан боғлиқ муаммолар бир неча марта банк бошқаруви мажлисларида ҳам, шаҳар ҳокимлигида ҳам, республика Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида ҳам муҳокама этилди, — дея давом этади раис ўринбосари. — Ўз томонимиздан биз белгиланган дастурларнинг амалга ошишини назорат қилиб боряпмиз. Тузилган шартномаларга мутаносиб равишда уларга нисбатан тегишли жазо чораларини қўллаяпмиз, ишни судга оширишгача бориб етяпмиз...

Ахир ўйлаб кўринг, 1-Тошкент уй-жой қурилиши комбинати томонидан 8 ойлик қурилиш ҳажми бор-йўғи 34 фоизга адо этилган бўлса, амалий натижа қандай кўринсин? Афросиёб кўчасида қад ростлаётган биргина учта 12 қаватли бинолар бир йилдан бери учинчи қаватдан юқори кўтарилмаяпти. Ишнинг охири ҳали-бери кўринадиганга ўхшамайди. Шунинг учун ҳам буюртмачиларнинг норозилиги табиий. Турар-жой сертификатини олиш учун ўз маблағларини аллақачон ўтказиб қўйганларнинг даъволарини тушуниш мумкин. Охир-оқибатда орзиқиб кутаётган кун эса сира яқинлашай демайди. **1-Тошкент уй-жой қурилиши комбинати ҳаммаси бўлиб ўнта уй қурилишини пудратга олган. Унга буюртма берилган хонадонларнинг умумий сони 192 та, бироқ бугунгача 1 миллиард 682 миллион сўмлик маблағдан уй-созлар атиги 395 миллион сўмини ўзлаштиришган. Буюртмачиларга эса бор-йўғи 32 та хонадон топширилган холос.**

Ўша куни тушдан кейин 1-Тошкент уй-жой қурилиши комбинатида бўлдик. Бош муҳандис Қурбон Амонов қурилиш бошқармалари раҳбарлари, мутахассислари билан йиғилиш ўтказаётган экан. Биз билан учрашувда у комбинат раҳбари йўқлиги сабабли саволларимизга жавоб беролмаслигини, иш бошлаганига атиги бир ҳафта бўлганини айтди.

Фурсатдан фойдаланиб 2-қурилиш бошқармаси раҳбари Рустам Ориповга: «Нима сабабдан турар жойларни топшириш ўз вақтида бажарилмаётир?» деган савол билан мурожаат этдик ва уларнинг айнан жавобларини ёзиб олдик.

Рустам ОРИПОВ, 2-қурилиш бошқармаси бошлиғи:

— «Қатортол»даги 9 қаватли 1-, 2-уйларни муддатидан уч ой кейин август ойида фойдаланишга топширдик. 3-«а», «б» уйларда эса қурилиш-тиклаш ишлари кетмоқда. 3-«в», «г»-уйларда энди котлован қазилмоқда. Кечикишимизнинг асосий сабаби қурилиш материалларининг ўз вақтида етказиб берилмаётганидадир. Агар материаллар муддатида етиб келганида қурувчиларимиз уч сменада бўлса ҳам ишлаб имкон қадар топширишни вақтида бажаришга эришган бўлишарди. Бундан ташқари ишимизнинг орқага сурилишига Бекобод металлургия заводи мутасаддилари ҳам айбдор. Ушбу корхонага етарли пул тўланганлигига қарамасдан, улардан олинадиган материаллар ўз вақтида етиб келмаяпти. Ҳозир бизнинг асосий муаммоимиз материаллар танқислиги билан боғлиқ.

Аҳмадхон АЗИЗОВ, комбинатнинг капитал қурилиш бўлими бошлиғи:

— Мутахассис сифатида ушбу корхона томонидан қурилаётган объектлар, яъни сертификат уйларнинг фойдаланишга топшириш муддати чўзилаётгани сабаби нимада деб бераётган саволингизга қуйидагича жавоб беришим мумкин. Бунинг сабаблари кўп, албатта. Вақтида металл, цемент ололмаймиз. Комбинатимиз қошида махсус завод ишлаб турибди. Афсуски бу корхона ҳам гоҳ маҳсулот ишлаб чиқаради, гоҳ бекор туриб қолади. Сабаби хомашё етарли эмас. Лекин ушбу заводимиз тўла қувват билан ишлаб турса уч сменада ишни ташкил қилиб, қурилиш ташкилотлари учун ўз вақтида керакли бўлган барча хом ашёларни етказиб берган бўлардик.

— Вазиятдан қутилиш учун сизнингча нима қилиш керак?

— Ўйлайманки бу қийинчиликлар вақтинча, албатта. Аммо шундай экан деб қўл қовуштириб ўтираётганимиз ҳам йўқ. Ушбу муаммони ечиш имконини қидириш албатта бизнинг зиммамизда. Очиғи, ҳар қанча уринганимиз билан етарли натижага эриша олмаяпмиз.

— Ҳозир комбинатда рўй бераётган бошбошдоқлик иш сифатига ўз таъсирини ўтказаётган кўринади. Янги уйларга кўчиб кираётганлар хоналарда учрайдиган баъзи бир камчиликлардан шикоят қилишадиган бўлиб қолишди-ку!

— Бу гап ҳам тўғри. Албатта сифатсиз топширилган ҳар қандай юмуш учун жавобгарлик бизнинг зиммамизга тушади. Лекин бундай ҳоллар камдан кам учрайди. Қурувчиларимиз асосан сифатли уйларни ўз эгаларига топширишади.

Эртасига 1-Тошкент уй-жой қурилиши комбинати ҳиссадорлик жамиятининг бошқарув раиси Далиқўзи Йўлдошевни учратиб, у билан суҳбатлашдик.

— Ўтган йилда қурувчиларимиз 40 минг квадрат метр сертификат уйларни ўз вақтида фойдаланишга топширган эди, — деб сўз бошлайди бошқарув раиси. — Бу йил баъзи сабабларга кўра режадан орқада қоляпмиз. Комбинатимизда бешта қурилиш ташкилоти ва битта завод фаолият кўрсатади. Бундан ташқари кичкина механизация бошқармамиз ҳам бор. Ҳаммаси бўлиб 1314 киши меҳнат қилади.

— Қурувчилар ўз вақтида маош ололмаётганларидан шикоят қилишди...

— Тўғри. Ишчиларимиздан июль ойи маошидан қарзимиз бор. Бу масала бўйича схемалар тайёрланган. Яқин кунларда у узил-кесил ҳал этилади.

— Сиз бош бўлган жамоа зиммасига асосан сертификатли уйлар қуриш вазифаси юкланганлигининг боиси нимада?

— Корхонамизда янги серия барпо этилган. Ундан 9 ва 12-қаватли янги уйларни қуришда фойдаланилади. Бизга кўпроқ буюртма беришларининг сабаби ҳам ана шунда. Ушбу серияни банклар билан биргаликда кўриб чиқиб, ташқаридан ҳеч қандай маблағ жалб этмай туриб ўз айланма маблағларимиз ҳисобига яратганмиз. Заводимизни эса шундай ишлаб чиқаришга мос қилиб қайта таъмирладик. Шаҳардаги жуда кўплаб сертификат уйларни бунёдкорларимиз қуришган.

Ортда қолишимиз сабабини фақат ўзгаларга ағдариш ниятим йўқ. Лекин баъзан қурилиш жараёнида лойиҳага киритиладиган ўзгартишлар ҳам ишимизни бир маромда боришига тўсқинлик қилади. Лойиҳага ўзимизча тузатиш кирита олмаймиз. Фақат лойиҳа институтлари билан ҳамкорликда қилишимиз мумкин бу ишни. Масалан иш жараёнида бизга 25-30 ҳажмдаги диаметрли арматура керак бўлиб қолди дейлик. Лойиҳа кўрсаткичи бўйича заводда тайёрланган арматура бу ҳажмга жавоб бермайди. Ана шундай кезларда биз ҳисоб-китоб қилиб бир диаметрдан иккинчи диаметрга ўтишга мажбур бўламиз. Бундай пайтларда албатта бизга конструкторлар яқиндан ёрдам беради.

— Юқорида хомашё танқислиги ҳақида анча гап борди. Хўш, ундан қутилиш учун қандай чора кўриляпти? Ахир сиз шартнома шартларини бажармаган ўша корхоналар зиммасига жарима солиш ҳуқуқига эгасиз-ку?

— Шундай қиляпмиз. Уларни огоҳлантиряпмиз. Керак вақтда жарима ҳам соляпмиз. Қаттиққўллик билан маҳсулот келтиришга эришяпмиз ҳам. Лекин таъминот узлуксиз бўлмагандан кейин қийин экан-да.

Очиғи бошқарув раисининг ушбу жавобларидан қониқмадик. Ахир шаҳримизда таъминот узилишига йўл қўймаётган корхоналар озмунчами?! Улар қандай чораларни қўллаб бўлса-да шартномадаги ташкилотлардан зарур материалларни олиб келишга эришишяпти-ку! Бунинг мисоли сифатида шаҳримиздаги 159- ва 12-трестларни келтириш мумкин. Бу қурилиш трестларида ҳар қандай оғир вазиятни бартараф этишга ҳаракат қилиняпти. Ҳеч бўлмаса 2-Тошкент уй-жой қурилиши комбинатини олиб кўрайлик. Бу ташкилотнинг иш услуби 1-Тошкент уй-жой қурилиши комбинатининг жараёнига яқин-ку. Бу ерда кўрсаткичлар ҳам у қадар паст эмас. Назаримизда 1-Тошкент уй-жой қурилиши комбинати билан Бекобод металлургия заводи ўртасида ўзаро мустаҳкам алоқа йўлга қўйилмаган кўринади. Нега бўлмаса завод ўзга қурилиш ташкилотларига берган металлни айнан шу корхонага бермасин?

Хуллас гап ҳам, баҳона ҳам етарлича. Лекин ишда ўзгариш йўқ. Аслида баҳона билан иш битмайди. Шундай экан, келинг энди юқоридагилардан тегишли хулоса чиқариб аниқ мақсадга ўтайлик. Очиғини айтганда комбинатда янгиликни жорий қилиш, ислоҳотлар орқали ишда ўзгариш ясашга, ишга муносабатни тубдан ўзгартиришга, меҳнатни рағбатлантиришга етарли эътибор берилмаяпти. Қурувчиларни ўз олдида турган қийинчиликларни енгиш йўлида белини маҳкам боғлаб меҳнат қилишга даъват этиш, уларнинг руҳини кўтариш, бошқариш, тўғри йўл кўрсатиш, ўткинчи ташвишлар билан эмас, балки эртанги кун, келажак, истиқболни ўйлаб, янги-янги марраларга интилиб яшаш, ана шу мақсадга эришиш йўлида бутун имкониятни сафарбар этиш сезилмаяпти. Бугунги кун талабидан келиб чиқадиган бўлсак олға интилмасдан, келажакни аниқ тасаввур этмасдан, зарур ҳисоб-китоб қилмасдан туриб бирор натижага эришиш қийин. Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йилнинг июль ойида бўлиб ўтган халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида раҳбарнинг масъулияти ҳақида гапира туриб: **«Ислоҳотларнинг моҳиятини аввало раҳбарнинг ўзи яхши тушуниши зарур. У масъул бўлган ҳудуднинг муаммоларини, эҳтиёжларини чуқур англаб катта-ю кичикни ишончини қозониб, уларни рози қилиб, ўзининг амалий ишлари билан эл-юрт ҳурматига муносиб бўлиб ишлаган тақдирдагина халқни ўз изидан эргаштириши мумкин»,** деган гаплари ҳар бир раҳбар учун ибрат ва унинг кундалик фаолиятининг асосий мезонига айланиши керак. Ана шу йўл билан ёш, билимли, иқтидорли, ўз Ватани ва халқига садоқат билан хизмат қиладиган кадрларни топиш, уларга масъул вазифаларни ишониб топшириш раҳбарнинг асосий вазифаларидан бири саналади. Чунки ўз атрофига соғлом кучларни, эртанги кунга, янгиликка интилган, қўлидан иш келадиган мутахассисларни жалб этиш билан ҳар қандай оғир вазиятни бартараф этиш мумкин бўлади.

Афсуски комбинатда бундай тўғри йўлдан баъзан четлашиш ҳоллари сезилмоқда. Кенг жамоатчиликка таяниб, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган қурувчилар билан бамаслаҳат иш олиб борилмаяпти чоғи. Қолоқликнинг туб моҳияти чуқур ва изчил таҳлил этилмаяпти. Режанинг бажарилмаслиги сабаблари ўзидан эмас кўпинча ўзгалардан ахтарилмоқда. Бунинг устига «Бизда қурилиш ашёлари етишмаяпти. Металл ўз вақтида етиб келмаяпти» каби важкарсонлар билан чегараланиш ҳоллари юз бермоқда. Натижа эса бугунги кунда ҳаммага аён.

Табиийки бир савол иккинчисини бошлаб келаверади. Шу ўринда комбинат раҳбарларига қарата: «Хўп, ўша қурилиш материаллари етишмаслигига, металл ўз вақтида етиб келмаслигига ким, нима сабаб? Ахир раҳбарият бунинг чорасини ўз вақтида кўрмаса, елиб югурмаса ишда силжиш бўладими?» дегинг келади. Ҳозир олма пиш, оғзимга туш замони эмас, балки ўша олмани ўзи пишириб, ўзи оғзига туширадиган давр. Айтишадику «Жондан кечмасанг жонона қайда, тоққа чиқмасанг дўлона қайда» деб. Шу ўринда бу гапни яна бир бор такрорлашга тўғри келади. Ҳозирги раҳбар ишбилармон, тадбиркор, узоқни кўра биладиган бўлиши керак. У баҳона эмас, балки ундан қутулиш учун чора ахтариши лозим.

Афросиёб кўчасида комбинатга қарашли 26-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари томонидан тикланаётган 9-10-11-уйлардаги ишлар билан танишдик. Сентябрь ойида фойдаланишга топширилиши лозим бўлган 11-уйнинг бешинчи қаватида қурилиш ишлари ҳали ҳам поёнига етмаган. Сабабини сўраганимизда айнан ўша битта жавоб — хомашё танқислигини рўкач қилишди.

Энди қурувчиларнинг сўзларига эътибор беринг.

Алишер МИРЗАЕВ, 26-қурилиш бошқармаси бош муҳандиси:

— Асосан материал йўқлиги бизни қийнаяпти. Ишчи кучи, техника етарли.

Осим МАМАТНИЁЗОВ, қурувчи:

— Материал келиб турса қолган учта уйни вақтида топширишимиз мумкин.

Ким билан учрашманг, ким билан суҳбатлашманг, такрор-такрор материал танқислиги ҳақида сўз боради. Қурувчилар эса маошларининг камлигидан арз қилишади. Вақтида ололмаяпмиз, дейишади. Қурилишнинг кечикиши ҳақида гап борганда янги оғиздан эски гап эшитасиз. Ахир юқоридаги баҳона ҳукм суриб турганидан кейин қандай қилиб маош кўпайсин ёки уни ўз вақтида қўлга тегиш имкони бўлсин. Ҳамма нарса қилинган меҳнатга яраша-да.

Ўтган йили шу қурилиш ташкилоти томонидан Нукус кўчасида бунёд этилган уйлардан бирида бўлиб истиқоматчиларнинг фикри ва мулоҳазаларини тингладик.

Масалан: РАУПОВА, 1-уй, 22-хонадон эгаси:

— Уйлар яхшику-я, лекин барибир таъмирлашга муҳтож жойлари ҳам бор. Хусусан сантехника жиҳозлари бизни қониқтирмайди. Уларга тор қувурлар ўрнатилган. Лифт мунтазам ишлаб турмайди. Назаримда қурилиш тезлашгани билан унинг сифатига эътибор анчагина сусайгандек кўринади.

Агар айтадиган бўлсак режани бажармаслик ойнанинг бир томони холос. Энди уни иккинчи томонига қарайлик. Унда ўша қурилишга жалб этилган қанча бунёдкорлар ишсиз қолгани акс этади. Бу демак ўша қурувчининг ойлик маошига кўз тикиб турган қанча оилалар қийин аҳволда қолгани дегани эмасми. Нима, бу оила бошлиқлари ўша қурилиш майдонига туширилган занглаб, синиб, парчаланиб, кераксиз ҳолга келиб қолган материалларни ўғринча сотиб кун кўриши керакми? (Аслида ҳам баъзан қурилиш майдонларида бундай ҳол рўй бераётганлигидан кўз юмиб бўлмайди). **Яна бир оғирроқ томони ҳам бор. Энг ёмони эрта-индин уй оламан, ҳовли тўйини ўтказаман деб орзу қилиб ўтирган оилаларнинг муддаоси ҳосил бўлмагани. Ахир уларнинг орасида ўша бошпанага муҳтожлари озмунчами?! Ана энди биргина раҳбарнинг масъулиятсизлик, ўз ишига лоқайдлиги қанча-қанча одамларга ташвиш келтиришини кўз олдингизга келтиргандирсиз. Ўша оилалар бугун ариза кўтариб, қоғозбозлик қилиб, қанча-қанча ташкилотларнинг эшигида сарсон-саргардон бўлиб юрганини тасаввур қилгандирсиз. Ахир бу айбсиз айбдорларнинг айби нима ўзи?**

Ҳозирги раҳбарга яна бир имконият берилган. Уни ўтирган юмшоқ ўриндиғига ҳеч ким михлаб қўйган эмас. Борди-ю ишга ақли етмаса, чарчаб қолган бўлса ёки ҳозирги тезкор давр талабига жавоб бера олмайдиган бўлса марҳамат вақт ўтмасдан ўз ўрнини ўзгаларга бўшатиб берсин. Унинг ўрнига ишни ўнглаб юборадиган серғайрат, талабчан ёшлар ўтирсин. Ахир ўзини, ўзгани ҳам қийнашдан нима фойда? Ўз вақтида камчиликни тан олиш ҳам марднинг иши-да.

Яна бир гап. Далиқўзи Йўлдошевга катта ишонч билдирилганди. У 36-Қурувчилар сайлов округидан Тошкент шаҳар Кенгашига депутат этиб сайланган. Халқ ишончи унинг зиммасига янада катта масъулият юклаши ва у кўпчилик томонидан билдирилган бу ҳурмат ва эътиборга муносиб равишда ўзидаги ишчанлик, талабчанлик фазилатларини намоён этиши лозим эди. Албатта у бош бўлган комбинатнинг ўтган давр мобайнидаги кўрсаткичларига назар ташласак бундай нохуш ҳол рўй бермаганлигини кўрамиз. Аммо бугунги таҳлиллар ишчанлик ўрнини бўшашувчанлик, талабчанлик ўрнини келишувчанлик, хотиржамлик эгаллаганлигини кўрсатмоқда.

Донолар «Бетга айтганнинг заҳри йўқ» дейдилар. Зеро, ҳақиқат аччиқ, танқид эса ўтли бўлади. Энди ҳамма гап рўйрост айтилганлардан тўғри хулоса чиқариш ва ишда ижобий томонга кескин ўзгариш ясашда қолган. Бунинг учун бутун комбинат аҳли унинг раҳбариятидан тортиб оддий қурувчисигача лоқайдликни йиғиштириб ташлаб, бир жон, бир тан бўлиб ишга киришишлари керак. Ана шундагина ижобий натижага эришиш мумкин бўлади. Зеро, юқорида билдирилган фикрлар нафақат жамоага, балки барча масъул мутасаддиларга ҳам тааллуқли эканлигини унутмаслик керак.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ,
Ольга ХАРЧЕНКО,
Шарифа ИЛЁСОВА,
ўз мухбирларимиз.

Ватан, миллат, халқ ва ниҳоят — жамият, инсоният сингари муқаддас тушунчалардан маҳрум бўлмаган ҳар бир шахс — ягона дунё билан тақдири бир эканини ҳам чуқур идрок этади. Бу идрок — энг онгли шахсларгагина хос хис-туйғу, тушунча, фазилатдир...

Муносабат

ВАТАН ЯГОНА — ДУНЁ ҲАМ

Тўғри кейинги кунларда Юртбошимиз турли муносабатлар билан чиқишларида, Олий Мажлисимизнинг навбатдаги сессиясидаги нутқларида, айниқса, БМТнинг 150 дан ортиқ давлат бошлиқлари иштирок этган Минг йиллик анжумани деб аталган энг йирик йиғинида бу мавзуда жуда муҳим, аниқ фикр-мулоҳазаларни дунё халқлари ва уларнинг етакчилари эътиборига ҳавола этдилар. Ушбу чиқишларнинг мундарижалари гарчи ахборот воситаларида неча марталаб эълон қилинган бўлса-да, биз улар ҳақида ўз мулоҳазаларимизни қўлимиздан келганча айтиб ўтишга журъат қилдик...

Ҳозирги жаҳон миқёсида эс-ҳуши етук шахсларни ташвишга солиб турган кўплаб муаммолар бор, уларни санаб адоғига етиш қийин. Аммо уларнинг энг муҳимларини таъкидлаб ўтиш мумкин. Жумладан, Юртбошимиз муҳим бир нуқтани — ўз юртимиз тақдирининг бутун жаҳон мамлакатлари билан, ягона дунё билан, ундаги табиат, одамлар, воқеалар, ҳодисалар, ғоялар, фожиалар, ютуқлар — хуллас, бутун борлиқ ва унинг ҳаракати билан нақадар боғлиқлигини жуда чуқур таҳлил қилиб бердилар... Тўғри, Юртбошимиз, Ватанимиз сарҳадларида бултурдан буён чегарани бузишлар, қўпорувчилик сингари ёвузлик ҳаракатлари содир бўлаётгани, уларнинг оқибатларию халқаро қўпорувчилик ҳаракатлари билан муносабатлари, яъни нафақат айрим мамлакат, минтақа, балки бутун дунёга ҳам хавф солаётган, инсониятни тинч яратувчилик ишларидан чалғитишга интилиб, эришилган барча эзгуликларга рахна солиб, эл-юрт осойишталигини бузаётганларнинг жирканч қиёфаларини неча марталаб очиб ташлаган. Аммо Минг йиллик анжуманида мамлакатимиз Президенти овози янада ишончли ва даъваткор янгради, учинчи минг йиллик бошларида инсониятга кулфатлар келтириши мумкин бўлган террорчилик ва халқаро экстремистик ҳаракатларига барча давлат ва халқлар биргалашиб зарба беришлари кераклиги янги куч билан исботланди. Ушбу давлатлар бирон бир ғаразни кўзлаб эмас, балки бутун жаҳон ҳамжамияти манфаатлари, жаҳондаги барча давлатлар, халқлар билан тинч, тенг ҳуқуқли, дўстона, иқтисодий, маданий, маънавий алоқалар қилиш манфаатлари мақсад қилиб қўйилганини яна бир бор баралла намоён этди. Бу эса биргина бизнинг Ватанимиз ва халқимиз учунгина эмас, бутун дунё халқларининг тинч тараққиёти учун энг муҳим — ҳаётий омилдир.

Демоқчимизки, ўз Ватанимиз манфаатлари ҳақида гапириш — бошқаларни, яъни бизни ўраб турган дунёни унутиш деган маънони асло англатмайди. Аксинча, Ватанимиз, халқимиз тақдири бутун дунё тақдири билан боғлиқ эканлигига эътибор тортилади. Нутқнинг Афғонистон, Орол денгизи тақдири, минтақадаги эл-юртлар ва уларнинг дунё тақдири билан нақадар узвийлиги, булар ҳаммаси бир бутун — яъни, бир жон — бир тан эканлигини унутиб бўлмаслиги ҳақидаги қисми айниқса қалбларимизни тўлқинлантиргани табиий. Буни англамаслик — жаҳон тақдирини идрок этмаслик ёки камида унга бефарқ қарашдан иборат бўлиб қолмайдими?! Дунёнинг бирор ҳудудида, бутун инсоният тарихида бирор халқ иккинчи бир халқ ёки миллатга қарши ўзича бош кўтарган эмас, кўтармайди ҳам. Ҳамиша қаерда қандай хунрезлик рўй берган бўлса, унга етакчилик қилганлар бўлган, ҳозир ҳам шундай. Демак, Шахс, Жамият, Халқ ўртасидаги боғлиқлик, муносабатлар, дунёқарашдаги олижанобликлар ва тор пасткаш манфаатпарастликлар жаҳон тақдирига, халқлар ҳаётига, тараққиётга ўз муайян таъсирини кўрсатади.

Марказий Осиё халқларининг тақдирига таҳдид солаётган террорчилар ва уларнинг таянч кучларига қарши курашда бирдамликни вужудга келтириш ҳозир айниқса зарур бўлиб қолди. Афғонистондаги гиёванд моддалар ишлаб чиқариш ва улар бозорини кенгайтириш борасидаги хатти-ҳаракатлар бизнинг ҳудудларимиздан Овруپо ва Америка қитъасига йўл очиш учун уринишлардан иборат эканлиги сир эмас-ку?! Бу ўз-ўзидан дунёда жиноятчиликни кўпайтиришга олиб келади. Қани энди — бу воқеалар фақат ўз минтақаси доирасида қолаётгани?! Қола олмайди. Демак, БМТдан тортиб жаҳондаги барча давлат раҳбарлари бу минтақадаги воқеаларни бартараф қилишга қодир эмасларми?! Албатта қодирлар. Лекин, шунга қарамай, 20 йиллардан буён бу юрт тинчлик, энг оддий тирикчилик нима эканлигини билмай қолди. Ҳозир 20 га тўлган афғон ёшлари урушда туғилиб, урушда ўсиб, урушга кириб кетаётган бўлса, келажакда улардан — дунё нима кутади?!

Шу муносабат билан Юртбошимизнинг БМТ Минг йиллик анжуманидаги чиқишларида — жаҳон халқларининг тақдири бир-бирлари билан нақадар узвий алоқадор эканлиги масалаларига алоҳида аҳамият беришлари бежиз эмас. БМТ нинг энг обрўли ташкилот сифатидаги мавқеини янада ошириш, Бош котиб ҳуқуқларини кенгайтириш, Хавфсизлик Кенгаши аъзолари бўлган беш давлат — АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Франция, Россия қаторига — Германия билан Японияни киритишни таклиф этиш, Афғонистон халқи ва орол денгизи тақдирини ҳал этишда бутун дунё давлатларининг фаол иштирокини таъминлаш, халқаро террорчиларга қарши кураш марказини тузиш, гиёвандлик, ядро қуролини тарқатмаслик, жаҳондаги барча халқлар орасида, миллатлар орасида тинч-тотувлик муҳитини яратиш каби қатор таклифлар Юртбошимиз нутқининг туб ғоявий мундарижасини ташкил этадики, улар жаҳон ташкилоти кўз ўнгида мамлакатимиз нуфузини кўтариши шубҳасиз.

Агар ўйлаб қаралса, ҳозирги дунёда яшашнинг бундан ўзгача йўли йўқлигини тушуниб олиш қийин эмас... Ҳаётнинг асл мазмуни ҳам, манбаи ҳам бутун дунёдаги барча давлатлар ва халқлар манфаатини ўйлаб яшашдан иборат бўлиши керакку! Бошқача йўлни неча хил пардага ўралгани билан — ҳамиша миси чиқади, яъни «ўзим бўлсам бўлгани. Бошқалар билан нима ишим бор!» деган ўта ғаразли ният «лоп этиб» бўртиб чиқаверади. Зиддиятдан-зиддиятга дунёни айни шу йўл судрайверади. Буни пайқамаслик — камида худбинлик, оқибати эса фожеалидир. Зеро, ёзилган қонунлар билан ҳаётий — виждоний қонуниятлар ҳам борки, кўпинча дунё тақдири ўша ёзилмаган асли инсоний қонуниятларга боғлиқ дейилса, хато бўлмаса керак...

Аҳмад АЛИЕВ.

Назм

МУҲАББАТ

Оллоҳ менга этди улуғ бахт,
Ҳоқонлар салтанатидан баланд тахт.
Вафодор ёр берди, қулди садоқат,
Эркалади мени боқий муҳаббат.

* * *

Насиб бўлди севиш-севилиш лаззати,
Жозибали, тотли ҳаёт иззати.
Буюк фазлу мартабалардан олий,
Муҳаббат ул азиз жондан чиройли.

* * *

Қўнгил гули, қўкка қанот муҳаббат,
Умр нури, асл жаннат, муҳаббат.
Ақли идрок, кучи қудрат маёғи,
Ноз, нафосат, назоратдир муҳаббат.

* * *

Тақдирга бардошли ўлимларга дард,
Ҳижронларда жумрад, айрилиқда мард.
Бўронларга қол, эзгуларга бош,
Юксак муродларга йўлдош муҳаббат.

* * *

Муҳаббатнинг қалби тўла каромат,
Муҳаббатсиз киши кўрди надомат.
Муҳаббатни билмаган одамга боқ,
Ва ўзи, ва сўзида бор таровот.

* * *

Муҳаббатнинг баҳори ҳам кузи бор,
Саодати, армонлари, доғи бор,
Барчасига бардошнинг яшнаб боғи,
Ҳеч бўлмагай ҳаётининг адоғи.

* * *

Ким истаса ишқдан ҳаловат, роҳат,
Неъматдек муҳаббатга қўйсин муҳаббат,
Ҳар бир қалбда ўзга унинг жамоли,
Муҳаббатдан одамзотнинг камоли.

Неъмат ЁҚУБОВ.

Ҳам куясиз, ҳам куласиз

БЕҲАЗИЛ ГАП

Эроннинг Жуман қишлоғида яшовчи 103 ёшли Элиас Хушмандий 20 ёшли қизга уйланганди. Унинг айтишича қиз Элиас бобони севар экан. Бобонинг 5 нафар ўғли, элликка яқин неваралари ва чеваралари бўлишига қарамай булар никоҳга ҳалақит беришмаган. Шуниси эътиборлики бобо ҳамон соғлом ва бакувват.

Абдулла ТОЛИБ тайёрлади.

Яна тўйларимиз ҳақида

НАМУНАЛИ ТАДБИРЛАР

Тўққиз йил ичида мамлакатимизда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, халқимизнинг тарихий муҳим анъаналари қайта тикланди — маҳаллаларнинг мавқеи ошди.

Маҳаллани бир йирик оила дейиш мумкин. Оиланинг рисоладагидек бўлиши, эрхотиннинг тинч-тотув, пиру бадавлат, ували-жували бўлиб юришида қўни-қўшниларнинг, маҳалла-қўйнинг таъсири кучли, албатта. Айниқса, ёш авлоднинг тарбиясида ўрни катта. Ўсмирлар обрўли маҳалла оқсоқолларидан ҳайиқиб турадилар. Уларнинг салобати таъсирида ўзларини ножўя хатти-ҳаракатлардан тиядилар. Бўлажак келин-куёвларнинг кимлигини отаоналари маҳалладан суриштирадилар. Маҳалла тўйларда, ташвишли дамларда кунимизга биринчи бўлиб ярайди. Юртбошимизнинг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маросим ва тадбирларни тартибга солиш тўғрисидаги Фармонлари халқимиз дилида армон бўлиб ётган орзунинг қаноти бўлиб парвоз этди.

Ҳозирги кунда шаҳримизда айни тўйлар тўйга уланган, шодиёна палла. Албатта, тўйларнинг ижтимоий, маънавий, маданий ва тарбиявий томонларига алоҳида эътибор берган ҳолда уни маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгашлари, маслаҳат кенгаши ва кенг жамоатчилик билан келишилган ҳолда ўтказиш талаб этилади. Бизнинг Ҳувайдо номли маҳалламизда тўй маросимлари энг аввало маҳалла раиси, фаоллари, кўпни кўрган отахонлардан иборат тўй комиссиясининг маслаҳати билан тўйни қаерда, қачон, қандай тартибда ўтказилиши билан боғлиқ масалалар келишиб ўтказилмоқда. Шунинг учун ҳам бу йилги тўйлар ўтган йилдагига нисбатан анчагина ихчам, давримизга мос ва хос тарзда ўтказилмоқда. Маҳалламиз аҳли бундан ниҳоятда мамнун. Икки қуда томон келишиб тўйни бир кунда, никоҳ кечасида ЗАГСдан ўтиб кўпчиликка намуна бўлишяпти. Чарлар маросими йўқ қилинган, унинг ўрнига бир ҳафта-ўн кундан сўнг оилавий кутиб олинмоқда. Ортиқча сарф-харажат, ортиқча чиқимларга барҳам берилди. Келишиб тоғораю сарполар ҳам озгина миқдорда қилинмоқда. Ана шундай енгиллик ва қулайликдан тўй қилаётган хонадон ҳам хотиржам, олдингидек қуйиб-пишиб, елиб-югурмасдан ўйнаб-кулиб тўйларни ўтказишмоқда.

Ота-боболаримизнинг азалий тушунчалари бўйича никоҳ — илоҳий аҳд, оила — муқаддасдир. Энг қадимий одатимизга кўра ўзбек оиласи ҳам тўйдан бошланади. Халқимиз саховатли халқ, топган-тутганини эл-юрт олдига қўйсам дейди. Ҳозир туманимиздаги маҳаллаларда бу борада ўрнак олса арзийдиган ибратли ишлар қилинмоқда. Жумладан, никоҳ куни куёвлар келинникига бир автобус майда болалар қуршовида қий-чув тўпалон билан кириб келишига, ЗАГСга қатор-қатор машиналарда бориш, шаҳар айланишлар, тўйда спиртли ичимликлар қўйиш, 20-30 талаб тоғораю бўй баравар сарполар қилишларга чек қўйилди. Албатта ҳамма нарса меъёрида бўлгани яхши. Мана шундай тўйни кўрган бошқа бир маҳалладошимиз ҳам бундай тўйлардан кўнгли тўлиб, мана шундай ихчам, гўзал тўй қилишни орзу қилмоқда.

Ҳа, албатта нима учун бир умр йиқ-қан-терганимизни бир кунда тўкиб-сочиб, эл-юртга ўзимизни кўрсатишимиз, мақтанишимиз, ҳамма нарсани исроф қилишимиз керак? Ахир эртага ҳам ҳаёт давом этади, орзу-ҳавасимиз бор. Инсон бирдек турмайди-ку. Эртамизни ҳам ўйлашимиз, ақл билан иш кўришимиз фойдалироқ эмасми?

Олимжон НУРМАТОВ,
Шайхонтоҳур туманидаги Ҳувайдо маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Донишмандлар хазинасидан

ЧОР ДАРВЕШ ҲИКОЯТИ

(Давоми. Боши газетанинг 107-сонида).

Жомъеи ҳикоят китобида андоғ ривоят қилибдурларким, қадим замонда Рум мамлакатида Қустантания (Константинополь ёхуд Истамбул) номли пойтахти бор эрди. Анда бир подшоҳи бор эрди, анинг исми Озода Бахт эрди; авжи иқболда гўё моҳитобон эрди. Хазина-дафина ва лашкари ҳисобсиз эрди. Андоғ одил, раъиятпарвар ва файз густар эрди ва фуқароси андин хушнуд эрди. Шаҳри Рум, шаҳри Миср, шаҳри Шом (Сурия), шаҳри Ҳалаб ва бир неча шаҳарлар анинг тахти тасарруфида эрди. Мунча ҳашамат билан бир лаҳза худойи бениёз ва Карими корсозбандалигидан ғофил эрмас эрди ҳамда тоат адосини бўйнидин солмас эрди. Ҳамиша ниёз (ҳожатмандлик) юзин ҳақ таоллога бурган ва ихлос билан нолиш қилиб, ҳақ таоллодин фарзанд тилар эрдиким, «Мендин сўнг бу тахтимга ворис бўлгай —деб, андоғким анинг умридин қирқ йил ё эллик йил ўтди, эрса бир куни кўзгу талаб қилди ва ул ойинада ўз жамолини кўрдики, ҳукум илоҳи била сақолидин бир толаси оқарибдур. Ани мушоҳида қилиб андин кўнгли хира бўлди. Кўнглидин ўткардики қанча муддат умрингни паноҳ қилдинг, то букунгача ором олмадинг, энди охири мўйсафидликка етишдинг, во дариғки, бир ўғил фарзандинг йўқ токи сенинг бу тожу тахтингга соҳиб бўлгудек —деб, кўп афсус ва армон қилди ва мунча озурдалиқ билан уч кунгача хилватхонасидан ташқарига чиқмади. Ҳақ таолло даргоҳига гиря ва зори қилур эрди. Бу муқаддимадин аъён, умаро, аркони давлат ва хос ва авом коҳиш ва ғамда эдилар ва андоғким, уч кундан сўнг умаролари ҳамма иттифоқ бўлиб, вазири аъзамга мурожаат қилдилар. Вазири аъзамнинг исми шарифи Равшанрой эрди, подшоҳ ани изат қилиб ота дер эрди. Вазирни подшоҳ ҳузурига киритдилар. Вазир Равшанрой вақтики хилватхона эшигига яқинлашди, анинг овози подшоҳнинг қулоғига кирди ва буюрдики уни тўхтатманглар. Чун вазир подшоҳнинг олдига дохил бўлди, таъзим бажо айлаб, дуога қўл кўтарди. Вазир подшоҳни дуо қилгандан сўнг, эй подшоҳим нечундин бу ғам сенга ориз бўлди, андуҳ ва малолатнинг сабаби недур? — деди.

Подшоҳ вазирига андуҳ ва малолатнинг сабабини баён қилиб, кўз ёшларини тўкиб дедиким, — эй падар, қайси хуш кўнгуллик била айш ва хурсандлик қилурманки, хотиримнинг орқа айвонида ғам лашкари саф тортиб турган бўлса, нечукдин дилгир бўлмагайманки, қанча муддатки умрни бекорга ўтказдим, хазиналарни беҳуда сарф қилдим, лашкар жам қилдим ва аларға қанча дунё сарфладим, кўпгина мамлакатларни тахти — тасарруфимга киритдим. Энди бу кун ё тонгла менга ўлим яқиндур, аммо тожу тахтимга ворис бўлғудек бир фарзандим йўқ, токи душманларимдан имтиқом (қасос) олгай.

Равшанрой вазир доно киши эрди, чун бу сўзларни подшоҳдин эшитди, сўнгра подшоҳга насиҳат оғоз қилди, ва айтдиким — умринг узун бўлсин эй подшоҳим, бу ҳаёллар ҳаммаси фосид шайтоний ва куфрони неъмат бўлгай, жаноби акдас ҳаққ субҳона ва таоллога мунча иш сиздан сазовор эмасдур — деб, насиҳат қилди. Эй валинеъмат бузруклар айтибдурларки, дунёни вафоси йўқ, умрнинг бақоси йўқ. Фарзандики подшоҳдин сўнг ворис ва жойнишин бўлғай ва лекин сизда бу фарзанд йўқ бўлгани билан мунчаликка бу икки кунлик фоний умр ғамини емак ҳожат эмас, то ҳаёт бордур айш билан ўткаринг, ҳар дамни ғанимат билмак керак. Ва агар муддао ваматлаб фарзандда бўлса, кеча ва саҳарларда тазарруъ билан ҳақ таоллодан фарзанд талаб қилгайсен ва бечорамискинлардин дуойи хайр талаб қилғил ва дарвешларга ва бева хотинларга садақа бергил ва бегуноҳларни зиндондин озод қилғил то подшоҳи лам язол сенга раҳм қилғай ва чироғингни равшан қилғай — деб, Равшанрой вазир мунча насиҳатлар билан подшоҳ кўнглидин кудуратларни чиқариб зойил қилди. Энди подшоҳ буюрдики тонгла ул соатда боргоҳда хослар билан суҳбат тутармиз деб, вазирға айтди. Равшанрой подшоҳдин мунча меҳрибонлиқ сўзни эшитиб дедиким: жаҳон борича бўлғил жаҳонда, ёмон яхшидин бўлғил омонда. Вазир бу дуони қилиб, подшоҳнинг хизматидин мураххас бўлиб, ташқарига чиқди. Подшоҳнинг фармони билан ҳаммага кўнгул хушлик рўй берди. Ҳар қайсилари ўз уйларига бордилар. Аммо подшоҳ ўз қилғонига пушаймон бўлиб тавба қилди, худойи таолло даргоҳига муножот қилди. Андин сўнгра китоб муталаасига машғул. То бир куни подшоҳнинг назари бир китобга тушди, битибдурки агар кишига дилгирлик рўй берса ва ҳеч важҳ билан дафъ бўлмаса, боядки қабристонга бориб фотиҳа бажиҳати аҳли қабур ўқусин. Бу сўзни китобда кўргандан сўнг подшоҳ кўзидин ёш жори бўлди. Филҳол кўнглиға бир фарахлик (хурсандлик) ҳосил бўлди. Ва агар кишига нашот хафалиқ ки кўп мавжуд бўлса ҳам қабристонга борсинки, назари осори илоҳи қилғай ва хотириға улча ўткаргайким, кўп аҳли қабурлар бузрук ва соҳиби шавкатлар эрдилар, бу мулк ва молларға соҳиб эрдилар ва айш ва нашотлар билан мисли сенингдек умр ўткарган эрдилар. Ночор андин кўнгул узиб, бу умри азизни фироқида ҳоки мазаллатга бошларин кўйиб ва фитна-фасод фирбедин кўз юмдилар. Подшоҳ мунча сўзларни китобда кўрди ва ўзига дедиким, муяссар бўлса шодлик билан ўткар бу дунёни, кўнгулда қолмасун охир дамида онча армони. Андин сўнгра мунча сўз билан подшоҳнинг кўнглиға аҳли қабурни зиёрат қилмоқлик келди. Ўзига-ўзи дедиким: агар кундузда қабристонга борсам, даб-дабаю ас-аса билан отларнинг оёғи остида қабристон поймол бўлғай. бас, сабр қилди то кеча кирди, либосини тағйир (ўзгартиб), бир мушт тиллони чўнтагига солиб, боргоҳи султондин ташқари чиқиб, қабристон тарафига равона бўлди.

Подшоҳ чун қабристонга етди, руҳи осудалар учун ҳақ таоллодин раҳматлар тилаб фотиҳа ўқиди, токи қабритсон орасига қаради, назари бир чордеворга тушдики, чироқ рўшнолиғи йироқдин кўринур эрди. Подшоҳнинг хотириға келдики, бу рўшнолиқ (ёруғлиқ) нима экан деб, ул тарафга равона бўлди. Чун анга яқин етди, кўрдиким тўрт дарвеш ҳирқа кийибдурлар, тўрттови ҳам чор деворга орқаларини қўйиб ва бошини тиззасига қўйиб, ҳаммаси ўз ҳоли билан мутавассил олам мадҳуш бўлган эрдилар ва чироқ юқорида ёниб турарди. Подшоҳнинг хотирига келдики, бузруклар айтибдурларким: муҳташамлик моясидур суҳбати дарвешлар, равзайи жаннат эрур ҳам хизмат дарвешлар. Ва мунча ҳодисани кўриб ўзига айдики, албатта буларнинг хизматига киргил ва аларни дамидан дуо талаб қилгил, шоядки аларнинг баракатидин, нафасларидин бўйи акса сенга зоҳир бўлғай ва алар фотиҳасидин боғланган эшиклар юзингга очилгай. Бу андиша билан чортоқ ичига қадам қўйган. Яна ўзига дедиким, азмойиш қилмай (синамай) ва танимай нечук билурсанки алар нима топган ва қадам саъйи билан қайси йўлга шитоб айлағон, алар бўри бўлсаларки оқ либослар билан ва ё дев бўлсалар одам суратида — деган андиша билан туриб эрдики, қазодин ул вақтда дарвешлардин бири акса уриб бедор бўлди, алҳамдулиллоҳ раббил оламийн — деди. Бошқалар анинг аксасини садосидин бедор бўлиб хайрбод дедилар. Ул дарвешлардин бири ўз жойидин туриб, чироқни равшан қилди, яна ўз жойига ўлтирди. Подшоҳ ўзига айдики, алҳол бул дарвешларни қанча қуввати бўлса зоҳир бўлғай — деб, подшоҳ ташқарида ёнини бир қабрнинг тошиға қўйиб ўлтирди ва аларнинг овозлариға қулоқ солур эрдики, то алардин нима сухан чиқғай — деб.

Ровийлар айтурки ул дарвешлардин бири ҳамсуҳбатларига қараб дедиким, эй биродарлар бу кечани ғанимат билиб, биз дарвешларга ва дилреш фалакзада ғардуни дун буқаламун бизни ватандин овора қилғон ва беҳад жабр тортиб, биёбонларда югуриб бир лаҳза селобдек ором олмағон ва билмасмизки тонгла бозори гардиш афлок биз бечораларнинг бошимизға қандоқ жавони соларкин, нечукким надомат ғафлатға оғиштамиз. Энди яхшиси шулки филжумла бир-биримизнинг аҳволи саргузаштимизға маҳрам бўлайлик. Бу кечани бедорлик била ўтказайлиқ, то кўрайликчи тонгла нима бўлур экан. Бизларга салоҳ шулдурким бир-биримизнинг саргузаштимиздин огоҳ бўлгаймиз — деб, мунча сўзни орага солди.

Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.
(Давоми бор).

Шанбадан шанбагача: мунажжим тавсиялари

ҲАФТАНГИЗ ХАЙРЛИ КЕЛСИН

• 16 сентябрь — шанба (Ойнинг 18/19 куни). Атроф-муҳит ҳолати сизнинг ҳақиқий борлиғингизни ойнада акс этгандек кўрсатиб беради. Мабодо, ўз аксингиз ўзингизга унча ёқмаса — хафа бўлманг, аксинча, нималарни нотўғри қилаётганингиз ҳақида ўйлаб кўринг. Шу кеча-кундуз Ой сайёрасининг таъсири одамни танбалликка мойил қилади. Бировлар таъсирига берилиб, хатоларга йўл қўйиш хавфи бор. Ҳом хаёлларга, майда икир-чикир фикрларга берилманг.

Бугун асаб бузилишлари, неврозлар,руҳий толиқишларни даволаш тавсия этилади. Тери хасталиклари бўйича ва косметик операциялар ва муолажалар яхши самара беради. Фавқулодда зарурат бўлмаган ҳолларда қон қуйдириш билан боғлиқ муолажалардан тийилиб турганингиз маъқул. Бот хасталиги (айниқса кексаларда) зўрайиши хавфи бор.

Тушларингиз сизнинг танангизда яширин кечаётган хасталиклардан хабар беради.

• 17 сентябрь — якшанба (Ойнинг 19/20 куни). Маънавий камолот йўлида олға силжиш учун қулай кун. Узоқ вақтдан бери жўръат этолмай юрган муаммоингизни ҳал этиш бўйича муҳим бир қарорга келишингиз мумкин. Ҳар қандай ишга дадил киришавершингиз мумкин. — У албатта муваффақият келтиради. Бугун эса жуда муҳим ишларингиздан бирини ниҳоясига етказасиз.

Экстрасенслар тавсияларини бажаришни бугун оркага суриб туринг. Умуртқа, бўйраклар ва бўғимлар заифлашади. Гепатит сингари юқумли хасталикларга чалиниш хавфи бор. Қанд хасталиги сингари ошқозон ости бези яллиғланишидан азият чекувчилар ўзларини эҳтиёт қилишлари керак. Нафас олиш машқлари ва нафас йўлларини даволаш яхши фойда беради.

Тушларингиз ёқимли бўлиб, кейинги ҳафтада ўнгидан келиши мумкин.

• 18 сентябрь — душанба (Ойнинг 20/21 куни). Шу кеча-кундузги Ой сайёрасининг таъсири одамларда фаол ҳаракатларга иштиёқ уйғотади. Ҳар қандай ишга дадил қўл ураверинг — омад сизга ёр бўлади. Ҳамкорликда амалга ошириладиган турли хилдаги иш ва тадбирлар фойдали бўлади. Бугун узоқ вақт ёлғиз қолиб кетмасликка ҳаракат қилинг.

Ошқозон-ичак йўлларини даволовчи муолажалар яхши натижа беради. Кучли таъсир этувчи дорилар, шифобахш гиёҳлар фойдали бўлади. Кўнглингиз тусаган нарсаларни тановул қилишингиз мумкин. Танангизнинг ортиқча совиб кетишига йўл қўйманг.

Бу кеча кўрилган тушнинг аҳамияти йўқ.

• 19 сентябрь — сешанба (Ойнинг 21/22 куни). Мазкур кеча-кундуздаги Ой сайёрасининг таъсири табиат ва инсонга ҳамоҳанг бўлади. Бетобларнинг касалликлардан тузалиши тезлашади. Бугун айниқса ҳалол ва адолатли бўлишга интилинг, бу қоидадан ҳар қандай чекиниш келажакда сизга жиддий нохушликлар келтириши мумкин.

Куннинг биринчи ярмида сийдик йўллари ва тўғри ичакдаги юқумли касалликлар хуруж қилиши мумкин. Куннинг иккинчи ярмида эса турли жароҳатлар олиш ҳодисалари кўпаяди — шунинг учун эҳтиёт бўлинг. Бод хасталиги, қуймич нерви хасталиги зўрайиши эҳтимоли бор. Нафас олиш машқлари, ҳаммомнинг буғхонасида бўлиш фойдали. Кучли таъсир этувчи дориларни истеъмол қилмай туринг.

Тушларингизнинг ўз шахсий ҳаётингизга тааллуқли қисми уч-тўрт кундан кейин ўзингизда содир бўлиши мумкин.

• 20 сентябрь — чоршанба (Ойнинг 22/23 куни). Бу кеча-кундуздаги табиий кучлар таъсири одамни зўравонлик, тажовузкорликка ундайди. Бундай кайфиятларга берилмасликка ҳаракат қилинг. Яқинларингизга меҳрибон ва ғамхўр бўлинг, имкон қадар юмшоқ ва камтарин бўлишга интилинг. Дилларга таскин берувчи турли дуоларни ўқиш, марҳумлар руҳини қурён тиловатлари билан шод этиш фойдали.

Бугунги кунда айниқса кекса ва нимжон кишиларнинг умумий саломатликларида нохушлик сезилиши мумкин. Кучли таъсир этувчи дориларни қўллаш, биоэнергетик таъсир ва шифобахш гиёҳлар фойда қилади. Тишларни даволатиш ва сунъийларини қўйдириш, косметик операциялар тавсия этилмайди. Ўт пуфагини даволаш бўйича муолажаларни бошлаш мумкин.

Тушларингиз яқин келажакда ҳаётингизда рўй берадиган жиддий ўзгаришлардан хабар беради.

• 21 сентябрь — пайшанба (Ойнинг 23/24 куни). Мазкур кеча-кундуздаги Ой сайёрасининг таъсири ижодий ишларга илҳом беради ва инсон табиатига ғоят ҳамоҳанг бўлади. Янги ташаббусларни бошлаш, турли ишларга қизғин киришиш мумкин. Бугун ҳар қандай мураккаб ишнинг уддасидан чиқа оласиз.

Юрак, қон-томир хасталиклари, хафақон касаллигини даволовчи муолажалар тавсия этилади. Кучли таъсир этувчи дориларнинг қўлланиши, биоэнергетика ва шифобахш гиёҳлар фойдали бўлади. Тишларни даволатиш тавсия этилмайди. Игна санчиш билан боғлиқ муолажалардан тийилиш керак, акс ҳолда асорати қийнаб қўйиши мумкин.

Тушларингиз танангиз ҳолатини аниқлаб бериши мумкин.

• 22 сентябрь — жума (Ойнинг 24 куни). Ойнинг мазкур куни табиат кучлари янгиланишга йўналтирилган бўлади. Инсоннинг ахборот-энергетика таркибида ҳам айнан шундай жараёнлар рўй беради. Турли хил ижодий ташаббуслар, янгиликлар, ҳаёлотлар оламига берилиш учун қулай ҳисобланади. Уйда ва дўстона давраларда уйғунлик ҳукм суради.

Сийдик йўллари ва тўғри ичак хасталиклари ҳуруж қилиши мумкин. Бош, мия ва кўзлар хасталикларга мойил бўлади. Сурункали шамоллаш ва юқумли касалликлар зўрайиши эҳтимоли бор. Юқори нафас йўллари хасталигидан азият чекувчи беморлар ўзларини эҳтиёт қилишлари керак. Бу кун буйраклар ва сийдик пуфакларини тозалаш учун қулай ҳисобланади.

Тушларингиз пуч бўлади-ю лекин келажак ҳақида фойдали хабарлар бериши мумкин.

Бўш вақтингизда

БОШҚОТИРМА

Ёйлар бўйича: 1.Сўз ўйинига асосланган тўрт мисрали шеър. 2.АҚШ автомобили русуми. 3.Галла экини. 5.Ипак газлама. 6.Бино, иншоот лойиҳаси. 7.Бирор кимса, нарса ҳақида ўй, хаёл. 8.Кемаларга йўл кўрсатиш учун денгиз қирғоғига қурилган сигнал воситалари билан жиҳозланган минора. 10.Дунё океанларидан бири. 15.Мақолдан: ҳунар — ҳунардан... 17.Қадимги юнон асотирига мувофиқ — энг баланддаги соф, тиниқ ҳаво қатлами. 18. Ўқув машғулоти. 19.Куй оҳанги ва шунга мос бўлган «Шашмақом» рақс қўйларининг номи. 20.Турли миллий мусиқа асбоби. 21.Оғир атлетика спортида қўлланиладиган анжом. 23.Бадиий ижод соҳаси. 24.Тепалик ер, қир.

Ёйлар бўйича ўнгга: 4.Пойтахтимизнинг қадимий дарвозаларидан бири. 13.Алишер Навоий достони қаҳрамонларини мўйқаламда гавдалантирган таниқли рассом. 14.Атоқли ўзбек кинорежиссёри. 22.Моторли транспорт воситаси билан ўйналадиган спорт тури.

Ёйлар бўйича чапга: 4.Тошкентдаги маъдан сувли шифохона. 13.Ўзбек археолог олими. 14.Ўзбек халқ эртаги. 22.Ойнаи жаҳонда тасвирни турли вазиятлардан намойиш этиш қурилмаси.

Бўйига: 11.Фарзанд туғилганда ўтказиладиган маросим. 12.Оптик шиша.

Энига: 9.Доно, билимдон аёл. 16.Миллий ширинлик тури.

Муаммонома

Очқич сўзлар: 1.Моддалар хусусиятини ўрганувчи фан — 4,2,11,13.

2.Тўқимачилик ва техниканинг турли соҳаларида ишлатиладиган сунъий тола — 15,14,3,7,6,15.

3.Қадимий мусиқа асбоби — 9,1.

4.Ой номи — 11,5,3.

5.Ёриткич — 12,2,8,6,10.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очқич сўзларидаги тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Улардан шарқ халқларига мансуб икки ҳикматни билиб олишга муваффақ бўласиз.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.

Газетанинг 8 сентябрь сонида чиққан бошқотирманинг жавоблари:

Диогонал бўйича: 1.Дамба. 2.Дания. 3.Довул. 4.Дорбозлик. 5.Довон. 6.Қовун. 7.Дастурхон. 8.Камон. 9.Капур. 10.Пахта. 11.Линза. 12.Зуҳра. 13.Динор. 14.Роман. 15.Довот. 16.Ватин. 17.«Донишнома». 18.Диафрагма. 19.Динго. 20.Афина. 21.Игрек. 22.Анкер. 23.Лампа. 24.Гамма. 25.Дўлма. 26.Дўппи. 27.Барор. 28.Анҳор.

Муаммонома

Очқич сўзлар: 1.Метан. 2.Шоғирд. 3.Ҳакам.
Ҳикмат: Кишига ҳиммати мардона керак.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»Да

ДУШАНБА, 18

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».

*

8.45 ТВ-маркет.
8.50 Лирик тароналар.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ўзбекистон — гуллаган боғ».
9.30 «Узлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.25 Кундузги сеанс: «Бу ранг-баранг олам». Бадиий фильм.
11.30 ТВ-анонс.
11.35 Т. Жалилов номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.05 2000 йил — Соғлом авлод йили. «Соғлом авлод — бу бизнинг келажагимиз».
12.35 «Умид» сафарда.
13.00 ТВ-1 намойиш этади: Телеанонс.
13.15 «Шийпондаги учрашувлар». Пахтакорлар учун мусиқий-дам олиш дастури.
14.10 ТВ-метео.
14.20 «Изтопар». Бадиий фильм.
15.50 ТВ-клип.
15.55 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
16.15 ТВ-метео.
16.25 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» — «Самарқанд-Динамо».
17.55 ТВ-маркет.
18.10 Болалар учун. «Чамандаги гуллармиз».
18.25 ТВ-патрул.
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қонун ҳимоясида».

«Спорт» дастури:

21.30 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинларида.
21.45 «Футбол шарҳи».

*

22.00 «Экспедиция». Телесериал премьераси. 17-қисм.
22.50 «Умр мазмуни».
23.20 «Маънавият» дастури.
23.55 «Ахборот».
00.30-00.35 «Хайрли тун!»

YOSHLAR Telekanali

9.00 «Давр тонги».
10.00 Кўрсатувлар дастури.
10.05 «Янги авлод» почтаси, «Уй вазифаси», «Мульттомоша».
10.45 «Мусиқий лаҳзалар».
11.00 «Давр». Ҳафта ичида».
11.40 «Доктор Финли». Телесериал.
12.30 «Мусиқий лаҳзалар».
12.40 «Футбол-плюс».
13.05 Олимжон Салимов асари. «Боз масҳарабоз». Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрининг спектакли.
14.20 «Мусиқий дастур».
14.30 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал. 11-қисм.
15.25 «Олтин мерос».
15.40 «Орзулар кошонаси». Видеофильм.
15.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Табиат қаҳри».
16.45 «Мусиқий лаҳзалар».

* * *

17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон?», «Мульттомоша».
17.40 «Талаба-2000».
17.50 Мусиқий лаҳзалар.
18.00 «Истеъдод—2000». Ҳаваскорлар телевизион танлови.
18.20 «Ўзбегим қураши».
18.40 Каромат Худойбердиева қўйлайди.
18.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «ТВ-анонс».
19.35 XXVII Олимпиада ўйинлари кундалиги.
19.50 «Қишлоқдаги тенгдошим».
20.05 Мусиқий лаҳзалар.
20.15 «Ёшлар овози».
20.35, 21.25, 22.30 Эълонлар.
20.40 «Борже узуги». Телесериал. 1-қисм.
21.30 «Бир пиёла чой устида».
21.50 «Мусиқий лаҳзалар».
21.55 «Иқлим».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мусиқий лаҳзалар».
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.10-1.15 «Хайрли тун!»

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 21.00, 23.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 «Ҳосойишталик фидойилари».
18.40 ТТВда сериал: «Қора дур донолари».
19.20, 20.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.50 «Экспресс» телегазетаси.
21.25 «Омад» тележурнали.
22.10 «Спрут». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00

14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.50 Кўрсатувлар тартиби.

15.55 «Олимпиада ўйинлари кундалиги».
17.00 «Мультчархпалак».
17.20 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

*

17.30 «Бобил минораси». Телесериал.
18.35 «Эгасиз Чукотка».
18.55 «Мени кутгил».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

*

20.40 «Бизнес-ревю».
21.00 «Дил изҳори».
21.40 «ТВ-4да «Немис тўлқини».
22.00 «Вести».
22.30 «Дил изҳори».
23.10 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
1.10 «Ахборот» (рус тилида).
1.35 «Тунингиз осуда бўлсин».

СЕШАНБА, 19

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

*

8.35 ТВ-маркет.
8.40 Марказий газеталар шарҳи.
8.55 «Ватандин яхши ёр ўлмас». Адабий-мусиқий композиция
9.15 ТВ-метео.
9.25 Кино янгиликлари.
9.40 Болалар учун. «Гулғунчалар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 «Бешбармоқ». Тележурнал.
10.45 Кундузги сеанс: «Рикки-Тикки-Тави». Бадиий фильм.
12.05 ТВ-метео.
12.15 «Маънавият» дастури.
12.50 «Экспедиция». Телесериал. 17-қисм.
13.40 Эстрада тароналари.
14.10 ТВ-анонс.
14.20 Футбол. XX асрнинг сўнгги жаҳон чемпионати. Германия — Югославия.
16.00 ТВ-клип.
16.05 «Балли, раислар!» Телемусобақа.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
17.55 ТВ-маркет.
18.10 «Фламинго». Кинокўрсатув.
18.30 «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра».
18.45 «Театр ва мусиқа».
19.05 «Қуёш ҳарорати». Видеофильм.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40, 22.10 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Олтин мерос».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Аския кечаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
21.45 «Қиёфа».
22.15 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинларида.
22.30 Т. Низом. «Ботмай қолган ой». Теленовелла.
23.05 «Ахборот».
23.40 «Сиздан ўгина, биздан бугина». Бадиий фильм.
1.05-1.10 «Ватан тимсоллари».

YOSHLAR Telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон?», «Мульттомоша».
9.50 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 XXVII Олимпиада ўйинлари кундалиги.
10.15 «Доктор Финли». Телесериал.
11.05 «Маслаҳат».
11.35 «Даллас». Телесериал.
12.20 «Садо-99» саҳифаларидан.
12.30 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
14.00 «Борже узуги». Телесериал. 1-қисм.
14.45 «Мусиқий лаҳзалар».
14.50 «Ал-Бишрининг армон-орзулари». Телесериал. 12-қисм.
15.40 «Мусиқий лаҳзалар».
15.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 29-қисм.

* * *

16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», «Мульттомоша».
17.15 «Жиловланмаган Африка». Телесериал.
18.05 Мусиқий лаҳзалар.
18.15 «Таянч».
18.30 «Ватан манзаралари».
18.45 «Мусиқий лаҳзалар».
18.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «ТВ-анонс».
19.35 XXVII Олимпиада ўйинлари кундалиги.
19.50 «Биринчи мўъжиза».
20.10 «Мусиқий лаҳзалар».
20.15 «Давр»-интервью.
20.30, 21.20, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Борже узуги». Телесериал. 2-қисм.
21.25 «Ёшлар овози».
21.45 «Муҳаббат қўшиқлари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мусиқий лаҳзалар».
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
0.40-0.45 «Хайрли тун!»

7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
8.05 «Экспресс» телегазетаси.
8.30 «Омад» тележурнали.
9.15 «Рамаяна». 59-қисм.
9.50-10.15 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 21.00, 23.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 «Хайрли оқшом».
18.40 ТТВда сериал: «Қора дур донолари».
19.20, 20.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.50 «Экспресс» телегазетаси.
21.25 «Омад» тележурнали.
22.10 «Спрут». Телесериал.
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
00.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00

14.45-15.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.45 Кўрсатувлар тартиби.

15.50 «Олимпиада ўйинлари кундалиги».
17.00 Мультчархпалак.
17.20 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

*

17.30 «Бобил минораси». Телесериал.
18.35 «Рус транзити». Сериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

*

20.50 «Арманистон ҳақида этюдлар».
21.10 «Дил изҳори».
21.45 «Соккер клуб».
22.00 «Вести».
22.30 «Дил изҳори».
23.10 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
00.55 «Ахборот» (рус тилида).
1.20 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЧОРШАНБА, 20

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Марказий газеталар шарҳи.
8.55 «Кўҳна замин оҳанглари». Мусиқий дастур.
9.20 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Баҳмал».
9.40 «Маърифат». Телеальманах.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Кундузги сеанс: «Қора қисқичбақа чангалида». Бадиий фильм.
11.35 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
12.05 «Оламни асранг».
12.25 Т. Минуллин. «Алла». Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг спектакли.
14.10 «Қўшиқ — маънавият қўзгуси». Мусиқий дастур.
14.35 Болалар учун. «Жажжи гўзал».
14.55 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
15.15 «Осилсанг, баланд дорга осил». Бадиий фильм. 1-қисм.
16.20 «Бинокор».
16.35 «Жаҳон мумтоз мусиқаси». В. Спиваков раҳбарлигидаги камер оркестри ижроси этади.
16.55 «Бананлар». Мультфильм.
17.45 «Иқтисод ва биз».
18.10 Болалар учун. «Кичкина деманг бизни».
18.30 Авестонинг 2700 йиллиги олдидан. «Мен ҳақиқатни сўзлагувчиман». 4-кўрсатув.
18.45 Мусиқа бекати.
18.50 «Аёл дунёни тебратар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Оҳангларга ошуфта кўнгил». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Сатторова.
21.30 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинларида.
21.50 1. «Баркамол авлод орзуси». 2. «Қулғу-терапия».
22.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» — «Навбаҳор». 2-тайм.
23.25 «Ахборот».
00.00 «Колонна». Бадиий фильм. 1-қисм.
1.05-1.10 «Ватан тимсоллари».

YOSHLAR Telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», «Мульттомоша».
9.50 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 XXVII Олимпиада ўйинлари кундалиги.
10.15 «Давр»-интервью.
10.30 «Доктор Финли». Телесериал.
11.20 «Мусиқий лаҳзалар».
11.35 «Таянч».
11.50 «Даллас». Телесериал.
12.35 «Мусиқий лаҳзалар».
12.50 «Қишлоқдаги тенгдошим».
13.05 «Андоз». Бадиий фильм. 1-қисм (Ҳиндистон).
14.20 «Истеъдод—2000». Ҳаваскорлар телевизион танлови.
14.40 «Борже узуги». Телесериал. 2-қисм.
15.25 «Биринчи мўъжиза».
15.45 «Мусиқий лаҳзалар».
16.00 «Ҳуқуқ ва бурч».
16.20 «Мусиқий лаҳзалар».

* * *

16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар», «Мульттомоша».
17.15 «Мусиқий лаҳзалар».
17.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Об-ҳаво»мўъжизалари».
18.10 Муҳаббат қўшиқлари.
18.20 «Мени тушун». Телеўйин.
18.45 «Мусиқий лаҳзалар».
18.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «ТВ-анонс».
19.35 Мусиқий лаҳзалар.
19.40 XXVII Олимпиада ўйинлари кундалиги.
19.55, 22.30 Эълонлар.
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Олтин мерос».
20.15 «Сийрат».
20.35 «Мусиқий лаҳзалар».
20.45 «Рақурс».
21.05 Ёшлик наволари.
21.25 «Эркин фикр».
21.50 «Каталог».
21.55 «Иқлим».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мусиқий лаҳзалар».
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
1.10-1.15 «Хайрли тун!»

7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
8.05 «Экспресс» телегазетаси.
8.30 «Омад» тележурнали.
9.15 «Рамаяна». 60-қисм.
9.50-10.15 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 21.00, 23.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
18.40 ТТВда сериал: «Қора дур донолари».
19.20, 20.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.50 «Экспресс» телегазетаси.
21.25 «Омад» тележурнали.
22.10 «Спрут». Телесериал.
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
00.25 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00

14.45-15.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.45 Кўрсатувлар тартиби.
15.50 «Олимпиада ўйинлари кундалиги».
17.00 Мультчархпалак.
17.20 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.30 «Бобил минораси». Телесериал.
18.35 «Рус транзити». Сериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.50 «Бизнес-ревю».
21.10 «Дил изҳори».
21.45 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.30 «Дил изҳори».
23.10 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
00.55 «Ахборот» (рус тилида).
1.20 «Тунингиз осуда бўлсин».

(Давоми бор).

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзуйжойжамғармабанк

Ўзбекистон Давлат-акционерлик уй-жой жамғарма банки

Азиз юртдошлар! «Ўзуйжойжамғармабанк» қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

• **«Антиқа»** омонати Сизнинг хоҳишингизга кўра 1 ойдан 1 йилгача бўлган муддатга қабул қилиниб фоиз миқдори сақланиш муддатига қараб:
— 1 ойдан 4 ойгача йилига 26% ҳисобидан
— 4 ойдан 7 ойгача 30% ҳисобидан
— 7 ойдан 1 йилгача 36% ҳисобидан фойда тўланади

• **«Болажон»** омонати 16 ёшгача бўлган болаларга камида 5 йил муддатга қабул қилиниб, ҳар йили 36% фойда тўланади ва жамғарма муддати тугагач мукофот тарзида яна 2% қўшимча ҳақ тўланади. «Болажон» жамғармасига корхоналар ва ташкилотлар саховат ёрдам пул маблағларини ҳам ўтказишлари мумкин.

• Талаб қилиб олгунча омонатига йилига 15% фойда тўланади.

«Ўзуйжойжамғармабанк»нинг шаҳар бўлими мижозларига банк хизматининг янги турини — **депозитар қутиларни ижарага беришни** таклиф этади: қутилар Сизга ижарага берилиб, хоҳишингизга кўра ўз қимматбаҳо қоғозлар ва қимматбаҳо буюмларингизни қутиларда сақлаш ва асрашингиз мумкин. Ижара ҳақи ойига 1167 сўмдан 1751 сўмгача ташкил этади (тўловлар сўмда амалга оширилади ва шу кундаги Марказий банкнинг 1 АҚШ доллари сўмга нисбати ҳисобга олинади).

«Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлимлари манзиллари:

Амалиёт бўлими	Пушкин кўчаси, 17	133-30-34,	133-31-02
Шаҳар бўлими	Ўзбекистон кўчаси, 16-а	139-18-90,	45-63-67
Меҳнат бўлими	Пушкин кўчаси, 5	133-62-18,	133-29-74
Юнусобод бўлими	Амур Темур кўчаси, 89	34-51-07,	34-89-65
Қорасув бўлими	Фетисов кўчаси, 1	191-65-39,	93-07-06
Собир Раҳимов бўлими	Ниёзов кўчаси, 17	46-84-89	
Ҳамза бўлими	Лисунов кўчаси, 69-а	97-39-24	

«Ўзуйжойжамғарбанк» ишларингизга ривож ва ҳамкор бўлишингизни тилайди!

Тошкент шаҳар ўқитувчиларнинг малакасини ошириш институти инглиз, немис, француз ва ўзбек тилларини ўргатиш, компьютер саводхонлиги бўйича курслар, шунингдек абитуриентларни фанлар бўйича тайёрлаш бўйича курслар очади.
Машғулотлар гуруҳлар жамлангандан сўнг бошланади. Курсларга ёзиш 2000 йил 15 сентябрдан бошланади.
Манзил: Халқлар дўстлиги майдони, Фурқат кўчаси, 1-уй, 7-8-қаватлар.
Телефонлар: 45-73-15, 45-59-96.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Тошкенбой Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат цирки
2000 йил 15 сентябрдан 15 октябргача
Россияда хизмат кўрсатган артист
Ирина АДАСКИНА
фақат йигирмата томоша
бетакрр ноёб манзара
АЙИҚЛАР
скейтлар ва роликларда
Россиялик артистлар иштирокида икки бўлимдан иборат турли хил жанрлардаги дастур Чиқишлар орасидаги танаффусларни пародиячи-қизиқчилар — КЕША ва ТОША тўлдиради.
Цирк ҳафтасига 3 кун: жума кунлари 18.00, шанба ва якшанба кунлари эса 12.00, 15.00 ва 18.00 да ишлайди.
Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.
25 тадан ортиқ билетлар харид қилувчиларга бепул етказиб берилади.
Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04.

Тиббиёт соҳасида ишлайдиганларни ва бошқа соҳада ишлаганларни ишга таклиф қиламиз.
Телефон: 94-44-01.

Марказда жойлашган 10 сотихли уй **СОТИЛАДИ**
Телефон: 54-42-33.

«Янгиобод» кинотеатри атрофида жойлашган барча қулайликларга эга бўлган уй сотилади.
Телефон: 98-36-16.

Остеохондроз, ревматизм, бронхит, мастопатия, гепатит, қанд ва бўқоқ касалликлари яхши ривожланмаган болаларнинг иммунитетини ошириш бўйича профилактика ишларини амалга оширамиз.
Телефон: 94-44-01.

Тошкент шаҳридаги 143-мактаб томонидан 1995 йилда Дилшод Тожибоевич Носиров номига берилган UZI № 317112 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-807. Босмага топшириш вақти 11.30 Топширилди 12.30 123456